

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК: 33М(330.3)

АРАББОЕВ ПАРВИЗ АДХАМОВИЧ

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАРМОҚ ТУЗИЛИШИ
ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Мутахассислик: 5A231102 – “Ташқи иқтисодий фаолият”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.д., проф. Ё.Абдуллаев

ТОШКЕНТ-2013

Диссертация Тошкент молия институти “Иқтисодиёт назарияси”
кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

и.ф.д., проф. Ё.Абдуллаев

Кафедра мудири:

и.ф.д., проф. Т.Жўраев

**Магистратура бўлими
бошлиғи:**

и.ф.н., доц. Ҳ.Ахмедов

МУНДАРИЖА

	бет
КИРИШ	3
1-БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ...	9
1.1. Хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти...	9
1.2. Миллий иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини таъминлашда хорижий сармояланинг роли	20
1.3. Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни белгиловчи кўрсаткичлар	28
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИНГ ТАРМОҚ ТУЗИЛИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА БУ ЖАРАЁНДА ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИНИНГ РОЛИ	35
2.1. Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларига киритилаётган хорижий инвестициялар учун яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар	35
2.2. Ўзбекистонда чет эл инвестицияларининг ишлаб чиқариш тармоқларига жалб қилишнинг ҳозирги ҳолати ва бу жараёндаги мавжуд муаммолар	46
2.3. Хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишини такомиллаштиришда давлат механизми ролини ошириш.....	55
3-БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	65
3.1. Хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишининг ўзгариш динамикаси ва уни такомиллаштириш йўллари	65
3.2. Саноат тармоқларига киритилаётган хорижий инвестициялар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.....	74
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	82
Фойдаланилган адабиётлар	87
ИЛОВАЛАР	93

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Хорижий инвестициялар иқтисодий ўсиш ва иқтисодиётни ривожлантиришни таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда кейинги йилларда инвестиция жараёнларининг фаоллашуви кузатилди. Бизга маълумки, ҳар бир давлатнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобланади. Барқарор иқтисодий ўсишга эришишда, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда, аҳоли турмуш даражасини яхшилашда чет эл инвестицияларининг роли каттадир.

Мамлакатимизда бугунги кунда хорижий сармоядорлар учун қулай инвестиция муҳити барпо этилган ва бу қулайлик ўз самарасини бермоқда. Хорижий сармоядорларни жалб қилиш бир томондан янги технологияларни, бошқариш тажрибаси, билимларни ва мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминласа, бошқа томондан республиканинг бой ресурслари ва ишлаб чиқариш имкониятларининг жаҳон хўжалигига қўшилиш ҳисобига умумжаҳон иқтисодий имкониятларини кучайтиради. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз яхши англаб олишимиз керакки, ички сармояларни сафарбар қилиш ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш билангина туб тузилма ўзгаришларига эришиш мумкин”¹.

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтириш ва уларнинг самарадорлигини аниқ белгилаш, илмий асосланган инвестиция қарорларини қабул қилиш, инвестиция фаолиятини оқилона тартибга солиш асосида ташқи молиявий манбаларининг барча шарт — шароитларни ҳисобга олган ҳолда жалб қилиш миллий иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг келажагини белгилайди. Иқтисодиёт тармоқлари учун зарур чет эл сармояларини топиш иқтисодий ўсиш шартига айланган. Ушбу мезонларни Ўзбекистон миллий иқтисодиётини

¹ Каримов И.А. “Юксак малакали мутахассислар - тараққиёт омили”. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг очилиши маросимида сўзланган нутқ, 1995 йил 3 октябрь.

ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ҳисобга олиниши жуда муҳим аҳамият касб этади. Унинг асосий вазифалари иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашда экспорт салоҳиятининг ўрнини, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссасини ошириш, эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларини давлат томонидан қўллаб — қувватлаш самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Юқоридаги бир катор муаммоларни ижобий ҳал этишда мазкур тадқиқот иши мавзуси долзарб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзу долзарблиги ва иқтисодиётни такомиллаштиришда тутган ўрнининг ниҳоят даражада кенглиги билан доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлган. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уларни самарадорлигини ошириш масалаларини тадқиқ қилиш соҳасида жуда кўп чет эл иқтисодчилари ва олимлари томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Томанн Х., Крупко С. И., Эклунд К., жумладан Россиялик олимлар Водянов А.А., Бочаров В.В., М.М. Богуславский, И.А. Бланклар ҳамда Ўзбекистонлик олимлардан Д.Ғ. Ғозибеков, М.Ф. Ачилов, Ш.Г. Юлдашев, А.В. Вахобов, Х.И. Ишбутаева, Анаркуловалар кўплаб илмий рисоалар ва асарлар яратишган бўлиб, ушбу мавзунинг назарий ва илмий асосларини, долзарб муаммоларини кенг ёритишгандир².

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётимиз тармоқларига жалб қилишнинг самарали йўллари жорий қилиш, уларни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларига йўналтирилаётган хорижий сармояларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда бу жараёнларда давлат механизми иштирокини кучайтириш ҳозирги замон иқтисодиёт фанининг ўта

² Томанн Х. Прямые иностранные инвестиции в переходный период экономики. — Берлин.: 2004; Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. — М.: Финансы и статистика, 1998г; Водянов А.А. Инвестиционные процессы в экономике переходного периода. - Москва: ИМЭИ, 1995; А.В.Вахобов, Ш.Х.Хажибакиев Хорижий инвестициялар. -Т.: “Молия” 2010 йил; Ғозибеков Д.Ғ. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш.- Т.: “Iqtisod-moliya”, 2007й; Самарходжаев Б.Б. Инвестиции в Республики Узбекистан. —Т.: «Адолат», 2003 йил.

баҳсталаб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу муаммоларни иқтисодийни модернизация қилиш шароитида янада чуқурроқ ўрганиш зарурияти диссертация мавзусини танлашга сабаб бўлди.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларига жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг асосий йўналишларини белгилаш ва ўзлаштирилаётган хорижий сармояларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан илмий — амалий таклифлар тизимини ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

Диссертация вазифалари. Берилган мақсаддан келиб чиқиб, диссертация ишида қуйидаги вазифалар белгиланди:

- иқтисодий тармоқларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳиятини, жалб этишнинг зарурияти ёритиб бериш;
- миллий иқтисодий тармоқлари барқарорлигини таъминлашда хорижий сармояларнинг ролини асослаб бериш;
- Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини иқтисодий тармоқларига жалб қилишнинг ҳозирги ҳолати ўрганиш ва бу жараёндаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;
- Ўзбекистонда давлат инвестиция сиёсати ва бугунги инвестицион муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш;
- Республикада хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва уларга кўрсатиладиган кафолатларни ўрганиш;
- Хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишини такомиллаштиришда давлат механизми ролини оширишни тавсия қилиш;
- Саноат тармоқларига киритилаётган хорижий инвестициялар самарадорлиги оширишнинг асосий йўналишларини ўрганиш.

Тадқиқот объекти — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар.

Тадқиқот предмети — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти тармоқларига киритилаётган хорижий инвестицияларнинг

самарадорлигини тадқиқ қилиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, иқтисодий таққослаш, эксперт баҳолаш натижаларини таҳлил қилиш ва иқтисодий математик усуллардан кенг фойдаланилган.

Тадқиқот ишининг илмий янгилик элементлари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳиятини, жалб этишнинг зарурияти ёритиб берилган;
- Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини иқтисодиёт тармоқларига жалб қилишнинг ҳозирги ҳолати ўрганилган ҳамда бу жараёндаги мавжуд муаммолар аниқланган;
- Ўзбекистонда давлат инвестиция сиёсати ва бугунги инвестицион муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берилган;
- хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишининг ва уни такомиллаштириш йўллари кўрсатиб ўтилган;
- саноат тармоқларига киритилаётган хорижий инвестициялар самарадорлиги оширишнинг асосий йўналишлари ўрганилган.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясида келтирилган назарий маълумотлар ва амалий тавсиялардан республикада Инвестицион дастурни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлиги ва унинг ташкилотларида, олий ўқув юртлари, бизнес мактаблари ўқув дастурларига кирган тегишли фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб этиш давлат сиёсати стратегияси, тамойиллари, хорижий ва ватанимиз

олимларининг олиб борган илмий ишланишлари тадқиқот ишининг назарий — услубий асослари бўлиб хизмат қилади.

Магистрлик диссертациясини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Қонунларидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Вазирлиги маълумотларидан манба сифатида фойдаланилди.

Магистрлик диссертациясининг ҳажми. Тадқиқот ишининг таркибий тузилиши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий ишнинг янгиликлари ва амалий аҳамияти кўрсатилган.

Биринчи «Хорижий инвестициялар ва уларнинг самарадорлигининг назарий иқтисодий асослари» бобида хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти, миллий иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини таъминлашда хорижий сармояланинг роли ва хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни белгиловчи кўрсаткичлар кўрсатиб ўтилган.

Иккинчи «Ўзбекистонда чет эл инвестицияларининг тармоқ тузилишининг ҳозирги ҳолати ва бу жараёнда давлат механизмининг роли» бобида Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларига киритилаётган хорижий инвестициялар учун яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар, Ўзбекистонда чет эл инвестицияларининг ишлаб чиқариш тармоқларига жалб қилишнинг ҳозирги ҳолати ва бу жараёндаги мавжуд муаммолар ҳамда хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишини такомиллаштиришда давлат механизми ролини ошириш кўрсатилган.

Ўзбекистон иктисодиёти тармоқларига киритилаётган хорижий инвестицияларнинг ҳозирги кун ҳолати таҳлил қилинган.

Учинчи “Хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари” бобида хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишининг ўзгариш динамикаси ва уни такомиллаштириш йўллари sanoat тармоқларига киритилаётган хорижий инвестициялар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари тавсия этилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида тадқиқот мавзусидан келиб чиққан аниқ хулоса ва амалий таклифлар берилган.

1-БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИНГ НАЗАРИЙ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва иқтисодий ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти

Бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма — босқич ўтиш, тармоқлар иқтисодиётининг жадал ривожланиши ва унинг самарадорлигини таъминлашда инвестициялар катта иқтисодий аҳамиятга эга. Бугунги кунда инвестицияларни бозор иқтисодиётига мослаштириш ва инвестицион фаолиятни бошқариш ўзгача ёндашишларни талаб этмоқда. Чунки, хўжалик юритишнинг замонавий йўлини танлаш инвестицион сиёсатни ҳам тубдан ўзгартиришни талаб қилади.

«Инвестиция» тушунчасидан бу сўзнинг ҳам кенг маъносида, ҳам тор маъносида фойдаланилади. «Инвестиция» сўзи инглизчадан (Investment) «маблағ солиш» деган маънони билдиради.

Унинг мазмуни ва моҳиятини бир маънода таърифлаш жуда қийин. Иқтисодий фаннинг турли бўлимларида, шунингдек, амалий фаолиятнинг турли йўналишларига татбиқан маблағ солиш соҳалари ва объектларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, бу атамага турли маъно берилмоқда.

«Инвестиция» тушунчасининг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунда «Иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига солинадиган моддий ва номоддий неъматлар ва уларга бўлган ҳуқуқлар» сифатида таърифланади³.

Инвестицияларни ҳудудий томондан амалга оширилиши бўйича — ички ва ташқи инвестицияларга ажратилади.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Инвестицион фаолият тўғрисида»ги Қонуни, 24 декабр, 1998 йил. «Ҳуқуқ» юридик тизими

Ички инвестициялаш жараёнида сармоялар шу давлат ичидаги объектларга киритилади.

Ташқи инвестициялар эса — ушбу давлатдан ташқари объектларга сармоя жалб этиш тушунилади.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.⁴

Чет эл инвестициялари хусусида гап олиб борганда, давлат ва хусусий инвестицияларни ажратмоғи лозим.

Бир давлат ёки давлатлар гуруҳи бошқа давлатга займ, кредит бериши бу давлат инвестициялари дейилади. Бу ҳолда сўз давлатлараро муносабатлар тўғрисида олиб борилмоқда. Ушбу муносабатлар халқаро шартномалар билан тартибга солинади ва уларга халқаро ҳуқуқ меёрлари қўлланади. Шу билан биргаликда, хусусий банклар гуруҳи (консорциум) давлатга инвестиция бериши мумкин. Бу «диагонал» муносабатлар дейилади.

Бир давлатнинг хусусий фирмалари, компания ёки фуқаролари бошқа давлатнинг шундай субъектларига бериладиган инвестициялар хусусий дейилади.

Инвестиция муносабатлари шу даражада мураккаб ва хилма — хил бўлгани сабабли, кўп ҳолларда давлатлар орасидаги муносабатлар хусусий шахслар орасидаги муносабатларга чамбарчас боғлиқ бўлади. Бу аввало суброгация ёки инвестор ўз ҳуқуқ ва талабларини давлатга топшириш жараёнида аниқ кўринади.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, 30 апрель, 1998 йил. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон

Инвестиция тушунчаси ўз ичига хорижий сармоядор инвестиция берилаётган давлат ҳудудида олиб бораётган мулкый бойликлар барча кўринишларини қамраб олади.

Шунинг учун, қонуний актлар ва халқаро шартномаларда берилаётган чет эл инвестиция шакллари (турлари) рўйхати тўлиқ эмас.

Ушбу рўйхатга қуйидагилар киради: кўчмас ва ҳаракатдаги мулк (бино, иншоотлар, асбоб ускуналар ва бошқа моддий бойликлар) ва мос равишда мулкый ҳуқуқлар, гаров бериш ҳуқуқини ўз ичига олган ҳолда; пул маблағлари; акция, облигациялар ёки корхоналарда (шу жумладан кўшма корхоналарда) иштирок этишни барча турлари; иқтисодий бойликлар; интеллектуал фаолият натижасида эга бўлиш ҳуқуқлари; қонун ёки шартнома асосида бериладиган хўжалик фаолиятини олиб бориш ҳуқуқи. Шу жумладан табиий ресурсларни қидириш ҳуқуқи.

Хорижий компанияларга назорат қилишга боғлиқ бўлган ҳолда, инвестициялар «бевосита» ва «портфел» турларига ажратилади.

Бевосита инвестициялар — хусусий тадбиркорлик капитали экспортини асосий тури. Бу самарали назоратни ўтказишни таъминлайди ва хорижий компания устида бевосита фармойиш беришга ҳуқуқ беради.

Халқаро Валюта Фонди таърифи бўйича, агар хорижий мулкдор акционер жамиятини низом капиталини камида 25% эга бўлса унда бу «бевосита» инвестиция ҳисобланади. АҚШ қонунчилиги бўйича — камида — 10%, Европа ҳамжамиятида — 20 — 25%, Канада, Австралия ва Янги Зеландияда — 50% ларни ташкил этади. Ўзбекистон қонунчилигида бу рақам 30% деб белгилаб берилгандир⁵.

Бевосита инвестицияларни характерли томонлари:

— бевосита хорижий инвестицияларда сармоялар одатда бозордан тез чиқиб кетиш имкониятига эга эмас;

⁵ .“Иностранные инвестиции в Республике Узбекистан” журналы.- Т.: 2011 йил 3 сон.

— портфель инвестицияларига нисбатан ҳажми ва таваккалчилик даражаси юқорилиги;

— капитал қўйилмалар муддатининг юқорилиги, бу чет эл капиталини импорт қилувчи хорижий мамлакатлар учун қулайроқ.

Бевосита хорижий инвестициялар қабул қилувчи мамлакатларга икки йўл билан йўналтирилади:

— янги корхоналар ташкил қилиш;

— мавжуд компанияларни сотиб олиш ёки ютиб юбориш йўли билан.

Бевосита ҳаракат нуқтаи назаридан биринчи йўл иккинчи йўлга нисбатан арзонроқдир.

Портфел инвестициялари — бу шундай капитал қўйилмалар улуши бевосита хорижий инвестициялар (БХИ) учун белгилангандан кўра камроқ. Портфел инвестициялар хорижий компаниялар устидан назорат ҳуқуқини бермайди, чунки сармоядорлар ҳуқуқи дивиденд олиш билангина чегараланади. Лекин айрим ҳолларда халқаро корпорациялар портфел инвестицияларга эга бўла туриб, хорижий корхона устидан назорат қўлга киритадилар. Бунинг икки сабаби бор:

— сармоядорлар орасида акцияларнинг бўлакраниб кетганлиги сабабли;

— қўшимча шартномавий мажбуриятлар мавжудлиги сабабли, бунда хорижий фирманинг мустақиллиги бироз чекланади.

Бу ерда маркетинг ва техник хизмат кўрсатиш учун тузилган лицензион ва франчайзинг келишув ва шартномалар кўзда тутилган.

Хорижий сармоядор деб тан олинган шахслар доирасинг аниқлаш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Биринчидан, ички қонунчилик ҳамда халқаро шартномалар билан белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзларнинг берилиши шахсни хорижий сармоядор деб тан олиниши билан боғлиқ.

Иккинчидан, хўжалик фаолиятини амалга оширишга рухсат беришда ва рўйхатга олишда хорижий сармоядор мавқеи аҳамиятлидир.

Учинчидан, агар шахс маълум бир давлатда хорижий сармоядор деб тан олинган бўлса, унга мазкур мамлакат билан тузилган халқаро шартномада кўзда тутилган кафолат ва бош шартлар тарқатилиши мумкин, шунингдек, сармоядор шахс сармоя берувчи мамлакат томонидан дипломатик ҳимояга олинади.

Шу билан бирга хорижий инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга ошириш мумкин:

- юридик шахслар тузиш ёки уларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, шу жумладан мол —мулкни ёки акцияларни олиш;

- қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини олиш;

- концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессияларни олиш;

- мулк ҳуқуқини, шу жумладан улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жойларга мулк ҳуқуқини, шунингдек, ерга ҳамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ олиш.¹²

Макроиқтисодий даражада инвестициялар деганда ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, уй —жой фондини, товар захираларини устириш ва шу кабиларга қилинган чиқимларнинг бир қисми, яъни ялпи ички маҳсулотнинг капитални ўстиришга қаратилган ва жорий даврда ишлатилмаган қисмини тушунадилар.

Иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишда ва тараққиётида инвестиция катта роль ўйнайди. Бу ерда «ялпи инвестиция» ва «соф инвестиция»ларни ажратишади.

«Ялпи инвестиция» бу —маълум вақт мобайнида янги қурилиш, ишлаб чиқариш воситалари харид қилиш ва бошқа товар —моддий захираларни

кўпайтириш мақсадида жалб этилган умумий маблағлар миқдори тушунилади.

«Соф инвестиция» деганда эса —маълум вақт мобайнида сарфланган ялпи инвестиция маблағларидан амортизация ажратмалари айириб ташлангандан кейин қолган сармоялар тушунилади.

Сармояларни жалб этиш муддатларига кўра— қисқа муддатли ва узок муддатли инвестицияларга бўлинади.

Қисқа муддатли инвестициялар — одатда бир йил муддатгача киритилиб (бунда қисқа муддатли депозит жамғармаларга маблағ қўйиш, қисқа муддатли жамғарма сертификатлари харид этиш) каби воситалар орқали амалга оширилади.

Узок муддатли сармоялар киритиш эса — 1 йилдан ортиқ муддатларга амалга оширилади. Амалиётда узок муддатли инвестициялар бир қатор бўлакларга ажратилиб ўтилади. Йирик инвестицион лойиҳалар одатда муддатларига қараб — 2 йилгача; 2 — 3 йилгача; 3 — 5 йилгача; 5 йилдан ортиқ кабиларга бўлиниб ишлатилиб келинмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш керак, Жаҳон банкининг методологиясига биноан, чет эл инвестицияларининг бир тури ҳисобланган инвестицион лойиҳаларни маблағлаштириш учун жалб этилаётган хорижий кредитлар ўз муддатларига кўра 3 турга бўлинади⁶:

- қисқа муддатли кредитлар — 1 йилгача;
- ўрта муддатли кредитлар — 5 йилгача;
- узок муддатли кредитлар 5 йилдан ошиқ муддатгача эга бўлган кредитлар.

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш давлат сиёсатида муҳим вазифалардан бири эканлиги шубҳасиз. Мамлакат иқтисодиётига йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни марказлашган ҳолда назорат қилиш ва улар киритилишини тезлаштириш мақсадида Давлат Инвестиция

⁶ www.wb.com жаҳон банкининг расмий сайти

дастури ташкил этилган бўлиб, бу мазкур дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида иқтисодий ёлтиришда ҳал қилувчи вазифани бажармоқда.

Бизга маълумки, республикаимиз иқтисодийётига хорижий инвестицияларни жалб этишининг зарурияти асосан:

- республикаимизнинг хом ашё ва табиий бойликларга сероблиги ва илғор замонавий хориж технологияларини жалб этиш орқали кўплаб қайта ишловчи корхоналар қуриш имкониятининг мавжудлиги;

- саноат ишлаб чиқаришида ҳали ҳам моддий — техника базасининг етарли даражадан паст корхоналар мавжудлиги ва оқибатда, зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги;

- республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг номуносивлиги натижасида жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги;

- республика экспортида хом ашё салмоғини камайитириш ва кўплаб тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини юзага келтириш зарурлиги кабилар билан асосланади.

Ушбу заруриятлардан келиб чиққан ҳолда, республикаимизда хорижий инвестицияларни иқтисодийётига жалб этиш бўйича ҳуқуқий база ва иқтисодий — ижтимоий ҳамда сиёсий шароитлар мажмуаси бўлмиш қулай инвестицион муҳит барпо этиш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

XXI аср бошида ўтиш иқтисодийёти мамлакатларида бозор инфратузилмаларини шакллантиришга қаратилган иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Ушбу мамлакатларда қуйидаги сабабларга кўра хорижий инвестицияларни жалб этиш зарурияти туғилди:

- а) иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайиши ва мамлакат ялпи ички маҳсулотида (ЯИМ) саноат маҳсулотларининг улуши қискарди. Бу эса, мамлакатда хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда саноатни барқарор ривожлантириш зарурлигини тақозо этди;

б) миллий иқтисодиёт субъектларининг ўз асосий ишлаб чиқариш фондларини молиялаштириш ва айланма маблағрини шакллантириш учун ўз маблағларининг етишмаслиги;

в) иқтисодиётни модернизациялаш ва чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, рақобатбардош ва юқори технологияни мужассамлаштирган экспортга йуналтирилган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришни барқарор суръатларда ишлаб чиқаришнинг зарурлиги.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари юқоридаги сабабларга кўра молиявий ресурсларга жиддий эҳтиёж сезмокдалар ва шу сабабли қарз олишнинг ташқи манбаларига мурожаат қилишга мажбурлар. Ташқаридан молиялаштириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёни ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига хос хусусиятлардан келиб чиқадиган объектив иқтисодий ҳолатдир.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, хорижий инвестициялар иқтисодиётга турлича шаклда, яъни тадбиркорликнинг бевосита инвестицияси шаклида ёки кредит, молиявий инвестиция шаклларида қўйилиши мумкин. 2012 йил якунлари бўйича Республикамиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг 79 фоизини тўғридан- тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилмоқда⁷. Қолган қисмини ҳукумат кафолати асосида киритилган чет эл кредит линиялари ташкил этади. Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётига бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган, эркин, хусусий хориж капиталини жалб этиш самарали эканлиги ўз исботини топди ва юқорида кўрсатиб ўтилганидек тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши жалб қилинаётган инвестициялар таркибида ошиб бормоқда.

Бевосита хориж инвестицияларини иқтисодиётга жалб этиш учун, юқорида таъкидлаганимиздек, қулай инвестиция муҳити яратилиши зарурдир. Ҳар қандай инвестор ўз капиталини бирон — бир давлат

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган маърузаси. Халқ сўзи 2013 йил 19 январь 13 сон

иқтисодиётига қўйишдан бош мақсади ҳам максимал фойда олиш бўлганлиги учун ўша давлатдаги шарт — шароитларни тўлиқ таҳлил қилгандан сўнггина қарор қабул қилади. Шунинг учун, республикамизда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Шундай экан, инвестициялаш жараёнида инвесторларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар ва шарт — шароитларнинг ўзгармаслиги ўта муҳимдир. Фикримиз давомида банк тизимига хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Банк тизимига инвестициялашни амалга оширишда хорижий инвесторлар асосан учта муаммога кўпроқ эътибор бермоқдалар.

- ◆ мамлакат ёки давлат хатари;
- ◆ банк тизимига бўлган ишонч муаммоси;
- ◆ алоҳида олинган банклар фаолиятининг шаффофлиги.

Мамлакат ёки давлат хатари — бу мамлакатнинг хориж валютасида олган кредитларини қайтара олиш қобилиятини баҳолашдир. Мамлакат хатарини баҳолашда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, тўлов балансининг тузилмаси, капитал операциялар бўйича тўлов балансининг таркиби, ликвидлилик rischi, фойдани олиб чиқиб кетиш муаммоси, ҳукуматнинг иқтисодиётни бошқара олиш қобилияти, сиёсий ва ижтимоий riskлар, иқтисодий фаолиятнинг шароитлари, статистик маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар ёрдамида республикамизга инвестициялаш rischi аниқланади. Агар бу кўрсаткичлардан айримларига тўхталадиган бўлсак, масалан, республикамиз тўлов балансининг тузилмасини қарайдиган бўлсак, сўнгги йилларда у ижобий бўлиб, мамлакат riskини камайтиради. Мамлакатимиз савдо баланси ижобий сальдога эга бўлиш билан бирга асосий экспорт маҳсулотлари ёқилғи-энергетика, кимё, пахта толаси, олтин ва бошқа тайёр маҳсулотлар бўлиб, улар жаҳон бозориджа доимий талаб борлиги билан мамлакат riskини камайтишига замин яратувчи маҳсулотлардир.

Банк тизимига бўлган ишонч масаласига келадиган бўлсак, бизга маълумки, банкларнинг асосий фаолиятини воситачилик, яъни бир томондан, маблағларни жалб этиш ва иккинчи томондан, кредитлашни амалга ошириш ташкил этади. Республикамиздаги банкларда бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқни ташкил қилмоқда. 2010 йилда мамлакатимизнинг 13 та банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, 2012 йил якунлари бўйича улар сони 28 тага етди⁸

Бизнинг фикримизча, иқтисодиётимиз ривожига банк тизими нафақат етакчи, балки кучли имкониятга эга ва кредитга лаёқатли тадбиркорлар етакчилиқ қилиши, шунингдек, молиялаштириш ва кредитлаштириш тизими ҳам шу тадбиркорлар фаолиятига мувофиқлаштирилиши зарур. Қаерда соғлом, меҳнатсевар, ишбилармон тадбиркорлар бўлмас экан, молиялаштиришга талаб ҳам бўлмайди ҳамда чет эл банкларининг келишига замин ҳам яратилмайди.

Шунингдек, қимматли қоғозлар бозорининг ликвиддигига эришишимиз зарур, хориж инвестори сотиб олган акцияларини белгиланган вақтда фойдали сотиш имкониятига эга бўлмоғи даркор. Хорижий корхоналарни тугатиш жараёнини ҳам аниқ ва содда тарзда ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда чет эл сармояларига инвестициялар қўйишнинг турли шакллари таклиф етилмоқда, булар орасида қўшма корхоналар, чет эл сармояси 100 фоиз ташкил этадиган корхоналар очиш, хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг бир қисмини ёки хаммасини сотиб олиш таклифлари бор ва х.к., шунингдек, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кўпдан — кўп конкрет лойиҳаларни амалга ошириш таклифлари ҳам мавжуд,

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган маърузаси. Халқ сўзи 2013 йил 19 январь 13 сон

яъни саноат комплексида, қишлоқ хўжалиги, транспорт, телекоммуникация, қурилиш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва шу каби соҳаларда.

1.2 Миллий иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини таъминлашда хорижий сармояланинг роли

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва салоҳияти унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг оқилона йўллари танлаш ва шу орқали иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда жаҳон талабларига мос келадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий — иқтисодий ва бошқа шарт — шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан ўтказиш, маблағларни республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда мужассам қилиш республикамизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойилларидандир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти таркиби учун бир томонлама хом ашё, ярим фабрикат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашиш хос бўлди. Иқтисодиётда таркибий ва технологик номувофиқликларнинг мавжудлиги мамлакатда иқтисодий ислохотларни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатди. Мамлакатдаги асосий ишлаб чиқариш қувватларининг технологик жиҳатдан қолоқлиги, асосий ишлаб чиқариш фондларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштиришга салбий таъсир кўрсатди (мамлакатда ўртача ишлаб чиқариш ускуналарининг хизмат қилиш муддати 20 йил белгиланган ҳолда, тараққий этган мамлакатларда ушбу

кўрсаткич 9-10 йилдан ошмасди). Мамлакат иқтисодиётини таркибий жихатдан қайта қуришга қуйидаги омиллар салбий таъсир кўрсатди:

— иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида юқори инфляция таъсири остида асосий фондлар ва айланма маблағларнинг эскирганлиги туфайли, кўпчилик корхоналар ёмон молиявий аҳволга тушиб қолди;

— бозор инфратузилма институтларининг ривожланмаганлиги;

— туғридан-туғри хорижий инвестиция оқимининг ҳажми ички эҳтиёжлар даражасидан пастлиги;

— аҳоли тўлов қобилиятининг пастлиги туфайли, жадаллашган амортизация тизимини жорий этишнинг мумкин бўлмаганлиги;

— бозор ислохотларининг дастлабки йилларида давлат инвестицион фаоллигининг кескин камайиши;

Иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш учун мамлакат иқтисодиётида чуқур таркибий ва технологик ўзгаришларни амалга ошириш зарур эди. Иқтисодиётнинг таркибини ўзгартириш икки босқичдан: **пассив ва актив** қисмдан иборат бўлади. **Пассив босқичда** бозор томондан талаб қилинмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари камаяди. Ушбу босқич талаб ва таклифнинг жорий мувозанатини таъминлаш учун зарур ҳисобланади. **Актив босқичда** эса илгари ишлаб чиқарилмаган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари ривожлантирилади ва янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун янги қувватлар яратилади. Иқтисодиётдаги чуқур таркибий қайта қуриш йўналишлари ва ёндашувларига қуйидагилар киради:

— бозор хўжалик тизимида ишлаб турган корхоналарнинг ўрни ва ролини аниқлаш;

— давлат ихтиёрида акцияларнинг назорат пакети сақланиб қоладиган корхоналар рўйхатини аниқлаш;

— хорижий инвестицияларни иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайдиган тармоқ ва соҳаларга жалб этиш;

— иқтисодиётнинг оптимал таркибининг шаклланишини таъминловчи «локомотив» тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларини аниқлаш.

Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг тараққиёт даражаси ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишида хорижий инвестициялар муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун биринчи галда, улар учун қулай муҳит, кафолат ва рағбатлантирувчи иқтисодий омилларни кучайтиришни тақозо этади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда қўшма корхоналар тузишдан асосий мақсад эса қуйидаги кўринишдаги иқтисодий кўрсаткичларни янада яхшилаш ва республикамиздаги мавжуд хўжалик ва молиявий аҳволни барқарорлигини давом эттириш; фан —техника тараққиётининг ҳозирги замон талабига мос илмий билимларнинг, техника ва технологияларнинг кенг суръатда ёйилиши, бу эса ўз навбатида, ишчи — ходимларнинг касб ва малака маҳорати даражаси ошишига замин яратиш; янги очилган қўшма корхоналарда ишчи ўринларини яратиб, ишсизлик муаммосини бартараф этишга кўмак бериш; давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтириб, давлат бюджетининг даромадлар қисмини тўлиқ бажариб ялпи ички маҳсулотга нисбатан профицитни мавжуд кўрсаткичини ушлаб туриш; рақобатбардош бозор муносабатларини шакллантириш; монополиянинг олдини олиш ва бартараф қилиш; импорт товар ва хизматлар салмоқини камайтириб, экспорт салоҳиятини оширишдан иборатдир.

Ҳар қандай хорижий инвестор қўшма корхона ташкил қилишдан аввал бу тадбир ўзи учун қандай ва қанча иқтисодий самара беришини тахмин қилиб кўради. Агар инвестор ихтиёридаги бойлик бирламчи иқтисодий самара бермаса, у ҳеч қачон ўзга бир давлатда қўшма корхона тузишга рози бўлмайди. Демак, хорижий инвесторлар учун бошқа давлатлардагига қиёслаганда шундай иқтисодий шарт — шароитлар яратиб беришимиз керакки, пировардида, улар ҳам, биз ҳам иқтисодий — ижтимоий самара

олайлик. Бунинг учун биз, аввало қўшма корхоналар учун иқтисодий инфратузилмани такомиллаштиришимиз лозим.

Инвестицияларнинг у ёки бу мамлакат иқтисодиётига кириб келиши иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос катализатори бўлиб хизмат қилади. Гап фақат унинг базасида янги ишлаб чиқаришни ташкил этишда эмас, гарчи бу жуда муҳим бўлса ҳам. Лекин, инвестицияларнинг илгари етарли даражада ишлатилмаган табиий, ишлаб чиқариш ва меҳнат потенциалларини хўжалик жараёнига қўшилишини жадаллаштирувчи омил сифатидаги вазифаси муҳимроқдир. Чет эл сармояси миллий ресурслар билан узвий қўшилган ҳолда илғор технологияларни қўллаш, ходимлар малакасини ошириш ва маҳаллий ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишни жадаллаштириш асосида юқори интеграл самара беради.

Чет эл сармоясидан фойдаланса — да, ҳар қандай мамлакат аввало ўз иқтисодиётини мустақил иқтисодиёт сифатида ривожлантиришга интилади. Шундай қилиб, ушбу вазиятда маълум қарама — қаршилиқ мавжуд: миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини чет эл инвестицияларини жалб қилиш шарт —шароитлари билан қандай қилиб мослаштириш мумкин? Бу муаммони бутун бошли ташқи иқтисодий алоқалар турларини қўллаган ҳолда ҳал этиш мумкин. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бунинг учун ушбу масалага иккала томон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда оқилона ва чуқур мулоҳаза асосида ёндашмоқ лозим.

Чет эл инвесторлари нафақат миллий корхоналарга ўз сармоялари, технологиялари ва бошқарув тажрибасини киритадилар, балки улар жаҳон бозорларига йўл очадилар. Бу эса ўтиш даврини бошидан кечираётган ҳар қандай мамлакат учун ҳаёт — мамот масаласидир.

Чет эл сармояси ўтиш даври иқтисодиётига энг янги жаҳон илмий— техникавий ютуқлари, технологиялари кириб келиши учун муҳим канал сифатида жуда зарурдир. Зеро, у миллий хўжалик субъектларинининг ривожланган товар алоқалари учун мослашувларига, улар фаолиятини жаҳон

стандартларига мос равишда оқилона ташкил этишга имкон беради. Қўшма корхоналарни солиққа тортиш тартиби, солиқ ставкаси, тури солиқ солиш объекти, солиқ имтиёзларини мукаммал ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш, республикамиздаги мавжуд шарт —шароитлар ҳисобга олиб, уларни ўзгартириш ҳақида таклифлар киритиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, амалдаги қоидаларга риоя қилишини кафолатлаш жуда муҳимдир. Ғарб экспертлари хулосасига кўра, чет эл кредитлари ва инвестицияларини қонунчиликдаги ўзгаришлар, солиқ сиёсати ва бошқа хатарлардан суғуртавий ҳимоялаш чет эл сармоясини гаров суммасидан 3 — 4 марта кўп миқдорда жалб қилиш имконини беради. Чет эл инвесторлари билан биргаликдаги қўшма тадбиркорлик ҳаракатига доир лойиҳаларни тўлиқ амалга ошириш учун республикамизда адолатли фойда олинишини кафолатловчи қулай ва барқарор юридик, иқтисодий шарт —шароитлар яратилмоғи даркор. Республика халқ хужалиги тармоқларига тўғридан — тўғри кириб келаётган чет эл инвестициялари ҳажмининг ортиш эҳтимоли бундай чора — тадбирлар аҳамиятини янада оширади. Хорижий сармояни жалб қилиш ва фойдаланишдаги муҳим муаммолардан бири —бу инвестиция қўйилмалари шаклини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда танлашдир.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларни, уларнинг барча ҳужжатлари, техник иқтисодий асосини сифатли ва талаб даражасида ишлаб чиқарувчи профессионал лойиҳа инжиниринг компанияларининг санокли эканлиги ва яхши ривожланмаганлиги, уларнинг малакали кадрлар билан таъминланмаганлиги ҳам жиддий муаммо бўлиб турибди. Чет технологияси ва бошқарувнинг янги усуллари жалб қилиш орқали миллий корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши кутилмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар тажрибаси бундай ташқи таъсир юқори даражадалигини исботлаш учун етарли эмас, лекин тажрибага асосланган далиллар тахминича хорижий инвестициялар ишсизликни камайтиришга унча ката таъсир қилмайди. Ғарб олимлари Хансон ва Гаррисон (1995),

Финстер ва Хансон (1996), шунингдек, Эйткен ва бошқалар (1996) сўнгги изланишлари шуни кўрсатмоқдаки, хорижий компаниялар ишга юқори малакали мутахассисларни жалб қилишади. Марказий Осиё региониди юқори малакали ишчи кучи орасида ишсизлик даражаси паст. Қўшма корхоналарда иш ҳақи миллий корхоналардагига нисбатан юқори даражада бўлганлиги сабабли миллий корхоналардаги малакали ишчи ва хизматчилар қўшма корхоналарга ишга ўтади. Миллий корхоналарда ишлаб чиқариш даражаси маълум даражада пасайиши ҳисобига қўшма корхоналардаги ишлаб чиқариш даражаси ошмоқда. Демак улар орасида тескари боғлиқлик вужудга келмоқда. Бу ерда шундай муаммо юзага келмоқдаки ишчи ва хизматчиларни малакасини ошириш, юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб ошмоқда. Ҳозирги пайтда республикада инвестицион лойиҳаларни дастлабки ғоядан асосланган ҳолатдаги ҳужжатга айлантириш, барча зарур ҳужжатларни тайёрлашга ихтисослашган маслаҳат — инжиниринг компаниялари сони жуда кам. Уларнинг аксарияти давлат тасарруфидаги лойиҳа инжиниринг компанияларидир. Ушбу компаниялар томонидан кўрсатилаётган хизматлар талаб даражасида эмас. Улар хорижий молиявий институтлар шартларига мос келмайди, уларнинг экспертизада лойиҳанинг асосланмаган томонлари — камчиликлари кўзга ташланиб қолмоқда. Бу лойиҳа ҳужжатларининг асосли равишда тайёрланмаганлиги, ҳисоб — китобларда ноаниқликлар мавжудлиги билан изоҳланмоқда.

Маълум бир компания хизматларининг ҳамма учун мажбурий қилиб қўйилиши бозор муносабатлари шартларининг бузилиши, рақобат муҳитига путур етиши, энг асосийси кўрсатиладиган хизматлар сифатининг пасайишига олиб келади. Ушбу соҳада нодавлат ташкилотлари — хусусий сектор улушининг ортишига йўл бериш нафақат юқорида айтиб ўтилган муаммоларнинг ечилишига, балки тадбиркорлар учун ҳозирги замон илғор технологияларини излаб топиш, ташқи бозорга чиқиш, хорижий инвесторлар билан ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш учун янги имкониятлар яратилишига олиб келади. Мамлакатимизда телекоммуникация ва алоқа

тармоқлари жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган даражада етказилмоқда, реклама — ахборот таъминотидаги тақчиллик ҳам деярли бартараф этилган бўлиб, хорижий инвесторлар фаолият юритишига муайян енгилликлар яратмоқда. Телекоммуникация ва алоқа тармоқларини ривожланишига доир Президентимиз фармонида «ахборот тармоғини ҳамда устувор инвестиция таклифларини ва мамлакатимиздаги ва чет элдаги потенциал шериклар тўғрисида ягона маълумот базасини яратиш» белгилаб берилган.

Мамлакатда қулай инвестицион фаолиятни яратиш бўйича амал қилиб келаётган қонуний — ҳуқуқий база, хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликларни хорижий сармоядорлага етказиб бериш бўйича Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қошида “Uzinfoinvest” Агентлиги ташкил қилинган бўлиб, республикаимиздаги инвестицион муҳит ва солиқ имтиёзлари ҳамда инвесторлар учун яратилган шарт шароитлар тўғрисида рус, инглиз ва немис тилларида интернетда ҳам маълумотларни тақдим қилмоқда. Жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари томонидан эса, республикада инвестицион фаолиятни тартибга солиш ва ҳимоя қилишнинг қонуний базасининг тўғри амалга оширилиши юзасидан назорат қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида қонун устуворлигига тўла риоя этиш талаб этилади. Жумладан, хорижий инвесторлар фаолияти тартибга солиш ҳуқуқий базасига риоя қилиш, уларнинг ҳуқуқларини поймол қилмаслик ва ҳимоя қилиш ўзаро келишувлар ва шартларнинг бажарилишига олиб келади.

Республикаимизда ўз иш фаолиятини амалга оширмоқчи бўлган хорижий инвесторларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда. Хорижий инвесторларнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаслиги, жумладан, қўшма корхона низом жағармасига ўз вақтида бадалларни киритмаслиги, бадал киритиш ва асбоб —ускуна етказиб бериш бўйича кафолатларни ўз вақтида тақдим этмаслиги, асбоб —ускуна етказиб

бериш ва монтаж қилишда камчилик ва хатоларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд.

Албатта, республикамизда хорижий инвесторлар иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришда муаммолар, ҳал қилинмаган масалалар мавжуд. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг барча босқичларининг муваффақиятли рўёбга чиқиши хорижий инвесторлар ва уларнинг инвестицияларини иқтисодиётга жалб қилиш ва улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш истикболларига боғлиқ. Республикада қулай инвестицион муҳитни шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш бундан буён ҳам мамлакатда узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифамиз бўлиб қолди.

Республикада хорижий фирмалар ва қўшма корхоналарни имтиёзли равишда солиққа тортишнинг эътиборга лойиқ ҳукукий асоси яратилди, инвестиция ва тадбиркорликни ҳимоя қилишга доир бошқа чоралар кўрилди. Аммо, хорижий капитални жалб қилиш ҳозирча етарли эмас, хорижий капиталли компанияларни очиш ишида бир қатор камчиликлар мавжуд, валюта алмаштириш операцияларида номукаммаллик ва чекланганлик, тадбиркорлик учун инфратузилмани такомиллаштириш (йўллар, алоқа, юқори тоифадаги меҳмонлар ва бошқалар), қатор маҳаллий хўжалик тузилмалари томонидан имзоланган шартнома мажбуриятлари ва унга бўлган арбитраж йўқлиги муаммоси — Республика иқтисодий воқелигининг бошқа салбий жиҳатлари хорижий инвестицияни жадал жалб қилиш ва уни зудлик билан яхлит эркин иқтисодий ҳудудга айлантиришга халакит бермоқда.

Ўзбекистонда хорижий сармояни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга оширилиши зарур, деб ҳисоблаймиз: инвестиция лойиҳасининг мукаммал тайёрланишига ва малакали экспертдан ўтказилишига эришиш; қўшма корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ҳамда қўшма корхоналар фоллатини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг муаммоларини қуйдаги йўналишларга бўлиб ўрганиш ва уларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди: чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётимизга жалб қилиш ва улардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш; хорижий инвестицияларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ва уларнинг амалиётда оғишмай бажарилиши; солиқ қонунчилиги, солиққа тортиш ва божхона йиғимлари тизимини такомиллаштириш масаласи; адолатли фойда олинишини қафолатловчи қулай ва барқарор юридик, иқтисодий шарт — шароитларнинг яратилиши; инвестиция қўйилмалари шаклини аниқ мақсадни қўзлаган ҳолда танлаш; миллий валютализ сўмнинг тўлиқ конвертациясига эришиш, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш; инвестицион лойиҳаларнинг ҳужжатларини тайёрловчи маслаҳат — инжиниринг компаниялари сонини қўпайтириш; телекоммуникация ва алоқа тармоқларининг жаҳон стандартларига тўлиқ мослаштириш; маҳсулот бозори, ҳом ашё материалларга бўлган имкониятлар, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган экологик ҳолатни баҳолаш бўйича маълумотлар таҳлилини янада такомиллаштириш; аҳоли иқтисодий саводхонлик даражасинимунтазам қўтариб бориш, баъзи хорижий инвесторларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслигини бартараф этиш ва ҳақозолар.

1.3 Хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги ва уни белгиловчи кўрсаткичлар

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бораётган бўлиб уларнинг таркиби ҳам ўзгариб бормоқда. Бунга мисол қилиб мустақилликнинг дастлабки йилларидан 2000 йилларга қадар жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг асосий қисмини ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар ташкил қилинган бўлса кейинчалик аста секинлик билан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоғи ошиб борди. Шу билан бирга бугунги кунда хорижий инвестицияларнинг самарадорлигига ҳам катта эътибор қаратила бошланди.

Жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини ҳисоблаб чиқишнинг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, улар қуйида кўрсатиб ўтилган усуллардир. Инвестициявий лойиҳаларнинг умумий қабул қилинган стандартлари бўйича инвестиция соф келтирилган фойда нолдан катта бўлса, ички даромад нормаси эса капитал қийматидан юкори бўлганда мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичларни ҳисобланишида хатоликларга йўл қўймаслик учун пул оқимларини прогнозлаш жараёнини ва дисконт ставкаси ҳисобини тўғри олиш зарур бўлади.

Инвестицияларни баҳолашда учрайдиган асосий камчиликлардан бири инвестиция қилинаётган капитал қийматининг нотўғри аниқланиши ёки умуман аниқламаган ҳолда инвестиция қилинишида ифодаланади. Бунда кўпчиликнинг пулниинг қиймати тушунчасини билмаслиги, «бу менинг пулим, шу сабабли унинг қиймати мавжуд эмас» деган тушунча мавжудлигида ифодаланади.

Ҳозир эса пулнинг қиймати мавжудлиги яққол тушунилмоқда, инвестицияларни қабул қилишда «пулнинг вақт жараёнидаги қиймати»ни инобатга олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сармоядорлар маблағларини баъзи бир лойиҳаларга инвестиция қилишдан олдин, бир хил

қалтисликка эга худди шу каби ёки бошқа лойиҳаларга киритиб, ё депозитга қўйиш орқали қанча капитал тўплаш йўллари кўриб чиқмоқдалар.

Лекин шунга қарамасдан, соф келтирилган фойда (NPV)ни ҳисоблаш учун дисконт ставкаларини қўллашда ҳозир ҳам хатоликларга йўл қўйиш давом этмоқда. Дисконт ставкалари асосан ўтган йилларда фойдаланилганига қараб ўрнатилиш ҳоллари кўпроқ учрайди. Бунда илгари 10% ишлатилган бўлса, бу йил 8% қўллаб ҳисоблаш тўғрисида асосланмаган қарор қабул қилинади. Капиталнинг ҳақиқий қиймати (WACC - weighted average cost of capital)TM ҳисоблаш механизми эса деярли инобатга олинмайди. Қанчалик капитал қиймати юқори бўлса, шунчалик ўрганилаётган лойиҳалар зарар билан яқунланаверади, бу эса маблағларни лойиҳаларга ўз вақтида жалб қилмасдан қолинишига олиб келади.

Яна бир кўп учрайдиган ҳолатлардан бири инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичларини соф келтирилган фойда ва ички фойда даражаси (IRR) иқтисодий самарасини тўғри тушунмаслик. Амалда киритилган капитал қўйилмаларини дисконтлаш ва пул қийматини аниқлаш бошланган бўлсада, дисконтлашнинг молиявий тушунчаси ҳақиқий амалиётда ортда қолмоқда. Аслида, пул оқимлари инвестиция лойиҳасини қоплаганда ва қўйилган пул маблағларига даромад келтирганда инвестиция лойиҳаси самарали ҳисобланади.

Буни ҳисоблаш учун лойиҳанинг соф келтирилган фойдасини ҳисоблаш, яъни барча пул оқимларини дисконтланган суммасини аниқлаш лозим. Дисконтлаш эса қўйилган пул маблағларининг даромадларини чиқариб олишдан иборат. Соф келтирилган фойда лойиҳа ишга тушилган вақтдан бошлаб келтира бошлаган фойда (зарар)га ҳисобланган амортизация ажратмалари йиғиндилари қийматидан киритилган инвестициялар миқдорини айрилгандан келган сумма ҳисобланади⁹.

⁹ Жўраев А.С. Хўжамкулов Д.Ю. Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. – Т.: «Шарқ» 2003 йил.

Амалиётда эса соф келтирилган фойда ҳисобланишида пул оқимларидан аввал киритилаётган инвестициялар бўйича барча фоиз тўловлари чиқариб ташланади. Баъзан эса, инвестициялар кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган бўлса, кредит маблағларини тўлаш ҳам соф келтирилган фойда ҳисобланишидан олдин амалга оширилади.

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда буюртмачилар томонидан вазифаларни тўғри кўйилиши, уларни ишлаб чиқишда мавжуд стандартларга амал қилиниши ва тўлиқ таҳлил қилиниши, экспертиза органлари томонидан олиб борилаётган иқтисодий сиёсатни тўғри тушунган ҳолда ижобий ёндашиб баҳоланиши унда иштарок этаётган барча томонларга бир хилда фойда келтирадиган жиҳатлардан иборатдир.

Бу борада инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқувчи лойиҳалаш ташкилотларининг уларни ишлаб чиқишда фойдаланилиши лозим бўлган маълумотлар баъзаларининг етарли эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳозирда бу борада қисман Интернет тармоғидан фойдаланилмоқда, шунда ҳам фақат импорт қилинадиган асосий жиҳозларни жаҳон баҳосини белгилайди, холос. Инвестиция лойиҳаларини дастлабки техник- иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда ва уни таҳлил қилишда етарли даражада маълумотлар базасидан фойдаланиш талаб этилади.

Лойиҳаларини ишлаб чиқиш, таҳлил ва экспертиза қилинишида мутахассис кадрларни етиштириш ҳам асосий устувор масалалардан ҳисобланади. Бу борадаги Президентимизнинг «Бугун замон шиддат билан ўзгараяпти - унга ҳамқадам бўлиб яшаш ва ишлаш керак. Бунинг учун энг аввало интеллект, ақл-заковат керак»¹⁰ деган гаплари жуда ўринли ва алоҳида эътибор талаб этади.

Инвестиция лойиҳаларини фақатгина ижобий кўрсаткичларга эга бўлганларини амалга ошириш эмас, балки ресурслар чегараланган

¹⁰ Каримов И.А «Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш - фаровон ҳаётимиз гаровидир», "Ўзбекистон", Тошкент, 2007й., 126 бет

шароитларда уларни иқтисодий сиёсатнинг турли циклларида иқтисодиётни ўсиш нуқталарига таъсир кўрсатадиган, стратегик аҳамиятга ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришнинг босқичма-босқич олиб бориладиган ислохотларига мос келадиган хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга оширишимиз керак.

Саноат корхоналари фаолиятининг барча жиҳатлари ва улар самарадорлигига холис баҳо беришда ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари тизимининг қандай талабларга жавоб бериши зарурлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тизим самарадорликни аниқлашга иложи борица аниқ ёндашишни таъминлайди. Ундаги кўрсаткичларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бир бирини тўлдира олиши, мавжуд хўжалик юритиш тизимига мувофиқ келиши ва барча ишлаб чиқариш заҳираларидан фойдаланиш даражасини тўғри ва аниқ кўрсатиши лозимдир, бу эса самарадорлик даражасини аниқ ҳисоблаш имкониятини яратади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналар фаолиятини таҳлил этиш ва уларга киритилаётган хорижий¹ инвестициялар самарадорлигини аниқлашда молиявий баҳолаш услубидан фойдаланиш кенг тарқалгандир. Бунга кўра, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга ёки янги инновацион ишланмаларни жорий этишга сарфланган сармоялар натижавийлигини аниқлашда шу мақсадларга йўналтирилган молиявий оқимларни ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этади. Корхоналарга киритилаётган хорижий инвестициялар самарадорлигини аниқлашда фойдаланиладиган молиявий баҳолашнинг статик ва динамик усуллари мавжуд. Статик усулга кўра инновацион лойиҳаларнинг афзаллиги тўғридан-тўғри пул оқимларининг тақсимланиши ва улардан келадиган тушум, фойда меъёри, қопланиш муддати, жами харажатлар ва ҳ.к. билан белгиланади. Динамик усул эса сарфланган инвестициялар қийматининг ўзгаришини ҳисобга олишни тақозо этади, яъни барча ҳисоб-китоблар пул массаси қийматини дисконтлаш орқали амалга оширилади ва бунда инвестицион лойиҳаларнинг

молиявий ҳолатини белгиловчи қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Соф жорий қиймат СЖҚ ёки дисконтланган фойда меъёри (net present value - NPV);
2. Фойда индекси ФИ (Profitability index - PI);
3. Сармоялар рентабеллиги СР (benefit/cost ratio – B/C ratio);
4. Лойиҳанинг ички даромад меъёри ИДМ (internal rate of return - IRR);
5. Дисконтланган қопланиш муддати ДКМ (payback period PB) ва ҳ.к..

Юқорида келтирилган усуллар жаҳон амалиётида кенг тарқалган бўлиб, инвестиция лойиҳалари ёки техник-технологик ишланмаларни жорий этишда сарфланган маблағлардан кутилаётган натижанинг молиявий ҳолатини аниқ таҳлил этиш имкониятини беради ва самарали лойиҳаларни экспертиза қилиш ва танлашда уларни иқтисодий баҳолаш орқали афзаллик томонларини аниқлайди.

Шу ўринда корхоналарда хорижий инвестициялар иштирокида амалга оширилаётган модернизация жараёнларини таҳлил қилсак, шу жиҳатдан, биз корхоналар самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизимида хорижий инвестициялар ҳисобига амалга оширилаётган инновацион маҳсулотлардан олинадиган фойда миқдорини аниқлаш муҳим эканлигини қайд этамиз. Яъни инновация тадбирларини амалга оширишдан олинган фойдани унга сарфланган инвестицияларга нисбати корхонанинг инновацион фаолияти самарадорлигини аниқлашда асосий мезон бўлиб хизмат қилади.

Ушбу ёндошувга мувофиқ инновация фаолиятини амалга ошириш учун сарфланган хорижий инвестициялар жорий қийматини аниқлаш учун дастлабки базис боғлиқлик қуйидаги кўринишга эга бўлади¹¹:

$$C_{\text{инн}} = (P_t - I_t) / I_t \quad (1)$$

Бу ерда: $C_{\text{инн}}$ – “t” вақт учун ҳисобланган инновация лойиҳаларига сарфланган хорижий инвестициялар нисбий самарадорлиги;

¹¹ 5. Жўраев А.С. Хўжамкулов Д.Ю. Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. – Т.: «Шарқ» 2003 йил.

P_t - инвестиция киритиш натижасида «t» вақт давомида корхона томонидан олинган жами пул тушумлари (даромадлари);

I_t - «t» вақт давомида инновация лойиҳаларига сарфланган жами хорижий инвестициялар.

Корхоналар самарадорлигини ҳисоблаш учун (1) формулани қўллашнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу ерда инновация лойиҳаларига сарфланган сармоялар уларга бевосита боғлиқ бўлмаган даромадлар ва харажатлар оқими мавжуд бўлган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхоналарга киритилади. Ушбу салмоқли хусусиятни ҳисобга олиш учун инновация лойиҳалари самарадорлигини аниқлашда

(1) формулани қуйидагича ўзгартирамиз:

$$C_{\text{инн}} = (P_t - X_t) / X_t \quad (2)$$

Бу ерда: $C_{\text{инн}}$ - корхона инновация фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи;

P_t - кўриб чиқиладиган давр мобайнида инновация лойиҳалари амалга оширилган корхона томонидан олинган даромадлар оқими, пул тушумлари йиғиндиси;

X_t - кўриб чиқиладиган давр мобайнида корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ва инновация лойиҳаларига сарфлаган харажатлари йиғиндиси.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, (2) формуладаги $C_{\text{инн}}$ нинг қиймати ўзининг иқтисодий мазмунига кўра инновация лойиҳаларини амалга оширишга сарфланган хорижий инвестицияларни ҳисобга олган ҳолда ана шу инновацион ишланмаларнинг жорий этилиши натижасида корхона фаолияти умумий самарадорлиги қандай йўналишда ўзгараётганлигини кўрсатади.

Ушбу омилларни биргаликда ҳисобга олишда келажакдаги даромадлар ва харажатларни инвестицияларнинг бошланғич даврига келтириш учун уларни

келтириш коэффициентини K_k га кўпайтариш ёрдамида аниқлаш мумкин. Келтириш коэффициентини қуйидагича аниқланади:

$$K_k = 1 / (1 + r + p) \quad (3)$$

Бу ерда: r - йиллик банк депозита фоизи; p - инфляциянинг йиллик $r + p = q$, деб белгилаб олсак, у ҳолда:

$$K_k = 1 / (1 + q) \quad (4)$$

(2) формулани келтириш коэффициентини (4) қўллаш асосида харажат ва натажалар қийматларини дисконтлаш усули орқали ўзгартирамиз:

$$P_t = \sum P_t / (1 + q_i)^i; \quad I_t = \sum I_t / (1 + q_i)^i; \quad \text{ва}$$

$$X_t = \sum X_t / (1 + q_i)^I \quad (5)$$

Бу ерда: i - навбатдаги вақт оралиғи номери (дастурни амалга ошириш муддати вақт оралиқлари " i " га бўлинади);

(5) формуладаги P_t , I_t ва X_t ларни (2) формулага қўйиб, саноат корхоналарида инновация лойиҳаларини амалга ошириш учун киритилаётган хорижий инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг қуйидаги формуласига эга бўламиз:

$$C_{\text{инн}} = (\sum P_t / (1 + q_i)^i) - (\sum X_t / (1 + q_i)^I) / (\sum X_t / (1 + q_i)^I) \quad (6)$$

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган усуллар орқали корхоналарга жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг самарадорлиги ҳамда уларнинг инновация фаолияти натижаларига таъсири туғрисида батафсил ва аниқ ҳисоб- китобларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Бу эса келажакда корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлигига туғридан-туғри таъсир кўрсатиб, унинг рентабеллигини ошишини таъминлайди.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИНГ ТАРМОҚ ТУЗИЛИШИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА БУ ЖАРАЁНДА ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИНИНГ РОЛИ

2.1. Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларига киритилаётган хорижий инвестициялар учун яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар ва имтиёзлар ҳамда улар учун муҳим бўлган инвестицион муҳитни шакллантириш асоси ҳисобланувчи қонунчилик тизими ишлаб чиқилган бўлиб, буларнинг барчаси чет эллик инвесторларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларига киритаётган инвестициялар оқимининг кўпайишига асос бўлмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий тармоқ тузилишини ривожлантиришга хорижий инвестициялар қўшаётган ҳисса уларнинг секторлар бўйича тақсимланишидан кўриниб турибди. Хусусан, сўнгги йилларда инвестицияларни таркибий тармоқ тузилишида сезиларли ижобий ўзгаришни кузатилиб йилдан-йилга уларнинг жалб қилиш ҳажми ошиб бормоқда, бунинг натижасида, агар 2000 йилда саноат тармоғининг Ялпи ички маҳсулотдаги улуши 14.2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич қариб 25 фоизни ташкил этди. Транспорт ва алоқанинг улуши эса мос равишда 7.7 фоиздан 12.5 фоизга кўтарилди.

Шу ўринда юртбошимизнинг қуйидаги фикрларини эслашнинг ўзи кифоя: “Ўз-ўзидан аёнки, ҳеч қайси ўзига ишонган хорижий компания, айниқса хусусий компания чуқур ислохотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур қафолат ва истикболлари мавжуд бўлмаган бозорга қадам босмайди. Бу эса бизнинг зиммамизга хорижий инвестициялар учун имкон қадар кўп қулайлик яратилган муҳитни шакллантириш масалалари билан мунтазам ва атрофлича шуғулланиш вазифасини юклайди”.¹²

¹² Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.

Чет эл инвестициялари иштирокида тузилган корхоналарнинг хўжалик ишларида ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида олиб борилиши лозим. Бу ҳолатлар ҳам қонунда кўрсатилган. Бу корхоналар банкрот ҳолатига тушиб қолганда у ўз мулки, яъни савдо объектлари, хизмат кўрсатиш соҳалари, ер участкаси, бинолари, қурилишлари, ускуналаридан келиб чиқиб мажбуриятлари таъминланади. Ердан фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган шарт-шароитлар халқаро шартнома ва чет эл инвесторлар билан келишувларда кўрсатилган шарт-шароитлар фарқ қилса, халқаро шартнома ва келишувга асосан фаолият юргизилади. Шундай қилиб, яратилган ҳуқуқий асослар чет эл ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган инвестициясини ҳимоя қилади. Таъкидлаш зарурки, чет эл инвестиция тизимининг нормал ишлаши учун ҳукумат томонидан юритиладиган чет эл инвестиция сиёсати мақсадлари ва вазифалари тўғри белгиланиши муҳим аҳамиятга эга.

Чет эл инвестиция сиёсати мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий - ижтимоий сиёсатларининг таркибий қисми бўлиб, давлат томонидан чет эл инвестициялар соҳасида амалга ошириладиган чора – тадбирлар тизимидир. Унинг мақсадлари мазкур сиёсатларнинг мақсадларидан келиб чиқиб белгиланади. Бунга мисол қилиб бугуги кунда хорижий инвесторларга қулай шарт шароитлар яратиб бериш мақсадида Президентимизнинг фармон ва қарорлари ҳамда вазирлар маҳкамасининг қарорларини кўрсатишимиз мумкин, Буларга:

1. “Ангрен махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 майдаги 146-сон қарори;

2. “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сонли Фармони;

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар асосида ташкил этилган эркин индустриал зоналар бугунги кунда хорижий инвесторлар учун қулай шарт шaroитларни ва имтиёзли инвестиция шартларини таклиф қилмоқда.

“Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш Агентлиги “Узинфоинвест”ни ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги ПҚ-578 сонли қарорининг қабул қилинганлиги хорижий инвесторлар учун керакли ахборотларни етказиб бериш ҳамда мамлакатимизнинг инвестицион муҳитини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон бир қатор қулайликлар туғдирувчи шарт-шaroитлари билан ҳам чет эл инвесторларини ўзига тортмоқда:

- 1) Ишлаб чиқариш суръатларининг жадал ўсиши ва ЯИМнинг ҳажмининг мунтазам ўсиши.
- 2) Давлат мулки ўзининг устун ҳолатини йукотганлиги.
- 3) Бозорнинг ўсиши ва кенгайишининг узоқ даврли истиқболи мавжуд.
- 4) Нисбатан малакали ишчи кучининг етарли миқдори ва ишсизлик даражасининг (ҳатто унинг яширин шакллари ҳисобга олганда ҳам) пастлиги;
- 5) Ўзбекистон иқтисодиётининг ташқи бозорга йўналтирилганлиги.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан бири чет эл инвестициялар муаммосидир. Бинобарин, энг мақбул чет эл инвестиция тизимини яратган ҳолда, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига таъсир қилиш, тадбиркорликнинг тараққий этишига ёрдам бериш ва бир вақтнинг ўзида

ижтимоий муаммоларни ҳал этиб бориш бозор муносабатларига ўтиш шароитида ҳам, ундан кейин ҳам давлатнинг бош мақсади бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон улкан чет эл инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча зарур шарт-шароитларга, чет эл инвестицияларни жалб этиш учун бир афзалликларга эга, шунинг учун ҳам чет эл инвесторларнинг мамлакатимизига бўлган қизиқишлари жуда катта бўлиб бунинг яна бир асосий сабабларидан бири бу яратилган солиқ ва божхона имтиёзларидир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар учун қуйидагича имтиёзлар берилган:

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажмига боғлиқ равишда қуйидагича солиқ имтиёзлари берилади:

1. Хорижий инвестициялар миқдори 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача — 3 йил муддатга;
2. 3 миллион ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача — 5 йил муддатга;
3. 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга солиқлардан озод қилинади¹³.

Юқорида кўсатиб ўтилган имтиёзларни қўлланиш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромаднинг камида 50 фоизини корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтиришлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3594-сон Фармони

бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга тўғридан-тўғри қўйилмалар киритаётган хорижий инвесторлар учун максимал даражада қулай инвестиция муҳитини яратиш, республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларида кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарлар, ишлар, хизматларни реализация қилиш айланмаси), мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрларини қўллашга ҳақлидирлар.

2. Қиймати 50 миллион АҚШ долларида ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи

муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқлари рўйхати.¹⁴

1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.

2. Енгил саноат:

тайёр ип газлама, жун газлама ва аралаш газламалар, шунингдек трикотаж газлама ишлаб чиқариш;

тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш;

табiiй терилар ишлаб чиқариш, кўн-галантерея саноати, пойабзал саноати.

3. Ипакчилик саноати:

шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

4. Қурилиш материаллари саноати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ–3586-сонли Фармони 1а-илоvasида кўрсатилган қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.

5. Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш.

6. Озиқ-овқат саноати:

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сонли Фармони

махаллий хом ашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкогольсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).

7. Гўшт-сут саноати:

гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сариеғ, шунингдек ҳайвонларнинг ички органларидан қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

8. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда консервалаш.

9. Кимё саноати.

10. Нефть-кимё саноати.

11. Тиббиёт саноати, ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш.

12. Қадоклаш материалларини ишлаб чиқариш.

13. Муқобил энергия манбалари негизда электр станциялари қуриш.

14. Кўмир саноати:

кўмирни бойитиш;

кўмир брикетларини ишлаб чиқариш;

15. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш.

16. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш:

машинасозлик;

трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги;

қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик;

енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги.

17. Станоксозлик ва асбобсозлик саноати.

18. Шиша ва чинни-фаянс саноати.

19. Микробиология саноати.

20. Ўйинчоқлар ишлаб чиқариш.

Мамалакатимиз иқтисодиёти тармоқларига жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришининг яна бир сабаби бу Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасидаги жўғрофий ўрни, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат ва бошқалар билан бир каторда мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилган қулай инвестицион муҳит ҳам ўзига хос муҳим ўринга эга.

Инвестиция муҳити — бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир курсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуидан иборат¹⁵. Инвестиция муҳити табиий шарт-шароитлар, фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими, товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтаёзли шарт-шароитларнинг яратилганлиги каби омиллар орқали белгиланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Инвестиция муҳитининг муҳим таркибий қисми давлатнинг қонунчилик базасидир. Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қарор топган нисбатан қисқа давр мобайнида инвестиция соҳасида ишончли меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими кўп сонли қонунчилик ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: Қонунлар ва мамлакат Президентининг фармонлари; қарорлари; республика ҳукумати қарорлари ва дастурлари;

¹⁵ А.В.Ваҳобов, Ш.Х.Ҳажибакиев Хорижий инвестициялар Тошкент .: “Молия” 2010 йил. 172 бет

ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланишнинг комплекс ва давлат дастурлари; ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар; вазирлик ва идораларнинг низомлари, йўриқномалари, стандартлари, қоидалари ва ҳоказо; ҳудудий бўғинлар ва хўжалик субъектлари доирасида амал қиладиган низомлар ҳамда уставлар ва ҳоказолар.

Мамлакатнинг инвестиция муҳитини шакллантирадиган омиллар комплекси қуйидаги чизмада келтирилган (1-жадвал).

Иқтисодиётдаги инвестиция муҳити, биринчи навбатда, мамлакатдаги иқтисодий барқарорлик билан белгиланади. Мамлакатдаги иқтисодий аҳволни таърифлайдиган асосий кўрсаткичлар (ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши суръатлари, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши даражаси ва ҳоказолар) айна вақтда етарлича барқарор динамикага эга ва қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда салмоқли қафолат ҳисобланади.

Инвестиция қабул қилувчи мамлакат ички бозори сиғимининг катталиги хорижий инвесторлар учун муҳим омил ҳисобланади. Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистоннинг ички бозори истеъмол товарлари билан ҳали тулиқ тўйинтирилмаган, шу боис аҳоли ялпи талабининг сезиларли қисми импорт ҳисобига кондирилади.

Капитални ташқаридан жалб қилишга ёрдам берадиган омил хорижий тадбиркорларга инвестициялаш учун қулай муҳитни шакллантиришга кўмаклашадиган рағбатлар тизимини тақлиф қилишдир. Республика қонунчилиги томонидан мустақиллик йилларида қабул қилинган имтиёзлар ва рағбатлар етарли миқдорда бўлиб, инвесторлар фаолиятининг ҳамма жиҳатларини қамраб олган.

Ўзбекистон юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берадиган етарлича ривожланган саноат ва илмий-техникавий салоҳиятга эга. Республикада кўп тармоқли саноат салоҳияти мавжудлиги туфайли автомобиллар, самолётлар, трансформаторлар ва аккумуляторлар, турли электротехника буюмлари, электроника, лифтлар, гидронасослар,

тракторлар, пахта териш комбайнларининг янги модификациялари каби илмий тараққиётга асосланган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ташкил қилишга эришилди.

Республиканинг хорижий инвесторлар учун юқори жозибадорлигининг яна бир муҳим омили бой ресурс базасининг мавжудлигидир. Мамлакатимизнинг инвестиция муҳити ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар қуйидаги 2.2.1-жадвал тақдим қилинган.

Жадвалдаги маълумотларга кўра иқтисодий ҳолатнинг мазмуни - мамлакат тўлов балансининг ҳолати, валюта пул тизими барқарорлиги, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги, ички бозор сиғимининг катталиги, инфляция даражаси, ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитининг яратилгани боис қисқа муддатда йирик хорижий инвесторлар билан кенг кўламли инвестициялар бўйича шартномалар имзоланган. Ушбу шартномалар асосида автомобилсозлик, нефть-кимё, электроника тармоқлари вужудга келди. Темир йўл вагонлари ишлаб чиқарадиган ва вертолётларни таъмирлайдиган, техник ойна, ип-газлама, турли хил тикувчилик буюмлари ва бошқа тур маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар барпо этилди.

Энергетика, қора ва рангли металлургия, ёқилғи ва туқимачилик саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқлари каби иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини техник модернизациялаш амалга оширилди. Хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши гўшт-сут маҳсулотлари, сабзавот ва меваларни қайта ишлашнинг моддий-техника базасини кескин янгилашга ёрдам берди.

Мамлакатнинг инвестиция муҳити ва уни келтириб чиқарадиган омиллар

2.2.1- жадвал

Омиллар	Мазмуни
Иқтисодий ҳолат	Мамлакат тўлов балансининг ҳолати, валюта пул тизими барқарорлиги, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги, ички бозор сиғимининг катталиги, инфляция даражаси, ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари.
Ҳуқуқий база	Янги шароитларга мос келадиган, мамлакат ва унинг алоҳида тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқарадиган фармонлар, қарорлар, низомлар, йўриқномаларнинг мавжудлиги.
Табиий хомашё ресурслари	Минериал, хом ашё, ёқилғи-энергетика ва сув ресурслари захиралари, қишлоқ хўжалиги хомашёси ишлаб чиқариш ҳажмлари.
Меҳнат ресурслари ва бандлик	Иқтисодий фаол аҳоли сони, банд аҳоли улуши, ишсизлик даражаси хизматчилар даромади даражаси, кадрларнинг малака даражаси.
Ишлаб чиқаришнинг техник базаси	Асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ускуналарнинг фойдаланиш муддати таркиби, асосий фондларининг эскириши даражаси.
Илмий-техника салоҳияти	Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажмлари. Инвестиция таваккалчилик даражаси. Ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланиши, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, маҳсулотнинг фан сиғимкорлиги катта ва юқори технологик турларини ишлаб чиқариш.
Молия-кредит тизими	Солиқ ва кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фойдалилик ва рентабеллик даражаси. Нарх сиёсати ва нархни шакллантириш сиёсати.
Инфратузилма	Банк тизими ривожланиши ҳолати, транспорт, коммуникация хизматлари ва меҳмонхона хўжалиги соҳалари, товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, аудиторлик хизматлари, суғурта соҳаси тармоғининг ишончлилиги.
Экологик вазият	Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, радиацион зарарли чиқиндилар.

Маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, қайта ишловчи тармоқларнинг мамлакат саноат мажмуасидаги улушини кўпайтириш экспортнинг янги тузилмасини шакллантиради, унда салмоқли ўрин тайёр буюмлар ва чуқур қайта ишлаш даражасига етказилган маҳсулотлар эгаллаган.

Маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, қайта ишловчи тармоқларнинг мамлакат саноат мажмуасидаги улушини кўпайтириш экспортнинг янги тузилмасини шакллантиради, унда салмоқли ўрин тайёр буюмлар ва чуқур қайта ишлаш даражасига етказилган маҳсулотлар эгаллаган.

Инвестиция муҳитини шакллантиришда инфратузилма бўғинларининг ривожланганлик даражаси, яъни хорижий капиталнинг оқиб келишига хизмат қилувчи, қўллаб-қувватловчи ташкилотларнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Ўзбекистонда чет эл инвестицияларининг ишлаб чиқариш тармоқларига жалб қилишнинг ҳозирги ҳолати ва бу жараёндаги мавжуд муаммолар

Республикаимиз иқтисодиёти тармоқларига киритилаётган хорижий инвестицияларни марказлашган тарзда бошқариш механизми жорий этилган бўлиб, бунда ҳар йили Президентимиз қарорлари билан Давлат инвестиция дастури тасдиқланади ва шу асосда Давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар мониторинги олиб борилади. Бундан ташқари ҳар йили Давлат инвестиция дастури билан бирга ҳудудий инвестиция дастури шакллантирилиб тасдиқланади.

Бугунги кунда ҳар иккала Инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинаётган хорижий инвестициялар таркибининг асосини ишлаб чиқариш тармоғига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ташкил қилмоқда.

Қуйидаги 2.2.2- жадвалда биз 2012 йилги Худудий инвестиция дастури доирасида мамлакатимиз ҳудудларининг ишлаб чиқариш тармоқларига жалб қилинган хорижий инвестицияларни кўсатиб ўтамыз.

Жадвал 2.2.2

2012 йилги ҳудудий инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар¹⁶

Тармоқлар	Жалб қилинган инвестициялар(млн долл)	Жамига нисбатан (фоизда)
Жами	418,6	100
енгил саноат	106,3	25.4
қурилиш матер. и/ч	71,2	17
кимё, нефть-кимё	57,8	13.8
озик-овқат	46,6	11
металлни қайта ишл.	14,9	3.5
терини қайта ишл.	13,0	3
қоғоз маҳсулотлари	12,7	3
автосаноат	10,6	2.5
электротехника	11,0	2.6
паррандачилик	8,3	2
фармацевтика	2,6	0.6
мебель и/ч	1,8	0.4
бошқалар	61,8	14.7

¹⁶ Абдусаматов Б.Х. “Ўзбекистонда демократик бозор ислохотларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг истикболдаги устивор йўналишлари ва 2012 йилги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришишнинг омиллари, ҳудудий инвестиция дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш вазифалари”. ДЖҚ Академияси, 2012 йил.

Республикаимиз ҳудудлагига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг асосий қисми яъни 25.4 фоизи енгил саноатга жалб қилинган бўлиб, асосан пахта хом ашёсидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Бундан ташқари қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатига 17 фоиз, кимё ва нефт-кимё саноатига 13.8 фоиз, озиқ овқат саноати 11 фоиз, металлни қайта ишлаш саноати 3.5 фоиз ҳамда терини қайта ишлаш ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришга 3 фоиздан чет эл сармоялари жалб қилинган.

Мамлакатимиз реал секторига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлиши билан бирга бу соҳада муаммолар ҳам ҳали ҳамон кўзга ташланмоқда. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги муаммоларни ҳудудни чет эл инвесторларининг эҳтиёжи ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, қонуний тарзда фойда олишни кўзлаган ҳар бир хорижий инвестор маълум бир ҳудудга ўз капиталини йўналтиришдан олдин қуйидаги шарт-шароитларга:

- ҳудуднинг тинчлиги, ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар;

- инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, эркин фаолият кўрсатишлари учун қонуний асосларнинг шаклланганлиги;

- режалаштирилаётган ишлаб чиқариш лойиҳасини хом-ашё захиралари, иш кучи ва малакали мутахассислар билан таъминланганлик даражаси;

- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун яратилган инфратузилма (электр-энергия, газ, сув, канализация, автомобил ва темир йўл);

- инвесторнинг ўз фаолияти давомида олган фойдасини миллий валютадан хорижий валютага эркин айирбошлаш имконияти ва бошқаларга эътибор қаратиши табиий.

Шунингдек, бу борада маҳаллий ҳокимлик идоралари томонидан хорижий инвестицияларни ҳудудга олиб кирилишига муносабати, музокараларни олиб бориш маданияти ва маҳаллий тадбиркорлар синфининг ташаббускорлиги ҳам муҳим ўрин тутди.

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш муаммоларини юзага келиши ва ҳал этилиши воситаларига қараб қуйидаги турларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

Бевосита маҳаллий лойиҳа ташаббускори томонидан йўл қўйилган камчиликлар ҳисобига юзага келадиган муаммолар:

1. Лойиҳа ташаббускорларининг лойиҳанинг техник иқтисодий асослови, бизнес режа ёки инвестицион таклиф ва паспортларни ишлаб чиқиш жараёнида етарли даражада билимга эга эмасликлари, бу ҳужжатларда хорижий инвесторларни қизиқтира оладиган маълумот ва иқтисодий таҳлилларни йўқлиги.

2. Маҳаллий ташаббускорлардаги боқимандалик кайфиятларини йўқолмаганлиги, замонавий маълумот базалари интернет ва турли иқтисодий журналлардан унумли фойдаланмаслиги. Ҳозирги кунда интернет саҳифаларида, расмий идоралар веб-сайти ва рўзмаларида (www.uzinfoinvest.uz веб-сайти, «Бизнес ҳамкор», «Солиқ ва божхона хабарлари» газеталари, «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар» журнали) доимий равишда республикамизда амалга оширилаётган инвестицион сиёсат, хорижий инвесторлар учун яратилаётган имтиёзлар ва қулайликлар, имзоланган халқаро меморандумлар тўғрисидаги маълумотлар чоп этиб борилади. Хорижий инвестор билан музокаралар олиб бориш жараёнида эса ҳар бир тадбиркорнинг юқорида келтирилган маълумотларга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Маҳаллий ҳокимлик органларининг ўз ишига масъулият билан ёндошмаслиги ҳисобига юзага келадиган муаммолар:

1. Маҳаллий идора вакиллари ҳудудга ташриф буюрган хорижий инвесторларда қизиқиш уйғота оладиган даражада музокаралар ўтказиш кўникмаларига эга эмаслиги.

Бу борада юртбошимиз томонидан 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устивор йўналишларига бағишланган маърузасида ҳам бу соҳага алоҳида тўхталиб маҳаллий ҳокимликлардаги мансабдор шахслар қаттиқ танқид остига олинди.

2. Маҳаллий ҳокимликлар томонидан ҳар чоракда камида бир маротаба хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларига бағишланган учрашувларнинг ўтказиб борилмаслиги. Шаҳар ва туман ҳокимлигидаги масъул мутахассисларни ҳудудда амалга оширилиши режалаштирилаётган инвестицион лойиҳалар тўғрисидаги маълумотга эга эмаслиги.

Республика ҳудудларида 2011 йил давомида Инвестицион дастурларга киритилмаган ҳолда 171 та лойиҳалар доирасида 143,6 млн.долл. тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинганлиги аниқланди¹⁷.

3. Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни зарурий инфратузилма (электр – энергия, сув ва газ) билан таъминлаш масалаларига юзаки қараш ҳолларини учраб туриши.

2008 йилнинг август-октябрь ойларида биргина Кореянинг “Daewoo Textile Ferghana” хорижий корхонасида 54 маротаба (жами 20 соату 56 минут) электр-энергиянинг узилиши ҳисобига корхона 327,1 млн.сўм миқдорида зарар кўрган.¹⁸

¹⁷ Ташки иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф таҳлили

¹⁸ Ташки иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо вазирлигига корхонанинг 2008 йил 13 ноябрдаги 1-104-сонли мурожаат хати.

4. Ҳудудлардаги мавжуд бўш ишлаб чиқариш майдонларидан оқилона фойдаланиш юзасидан инвестицион таклифларни ишлаб чиқилишида лоқайдликка йўл қўйилиши.

Кўп ҳолларда хорижий инвесторлар томонидан ишлаб чиқариш биносини инвестиция киритиш шарти билан ноль қийматида тақдим қилиш сўралган ҳудудларда етарли ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга бўла туриб бўш ётган, мулкдор томонидан ҳеч қандай инвестицион тадбирлар олиб борилмаётган биноларни кузатиш мумкин. Жумладан, “2011 йилги Ҳудудий инвестиция Дастурлари”ни ишлаб чиқишда республикамиздаги 61 та шаҳар ва туман ҳокимлиги томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестиция иштирокидаги инвестицион лойиҳалар таклифи умуман тақдим қилинмаган.¹⁹

Алоқадор вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар доирасида юзага келаётган муаммолар:

1. Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган имтиёзли хорижий кредит линиялари, уларнинг фоиз ставкалари ва қулайликлари тўғрисидаги маълумотномаларни тадбиркорларга етказишдаги сусткашлиklar. Ҳозирги кунга қадар аксарият ишбилармонлар мамлакатимизга жалб қилинаётган имтиёзли хорижий кредит линияларининг афзалликлари тўғрисида маълумотга эга эмас.

2011 йилнинг Ҳудудий инвестиция дастурини ишлаб чиқиш жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари тадбиркорлари томонидан хорижий кредит линиялари ҳисобига амалга оширилиши режалаштирилган биронта ҳам инвестицион лойиҳа таклифлари ишлаб чиқилмаган.

¹⁹ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тақдим қилинган 2011 йилги Ҳудудий инвестиция дастурларининг таҳлили натижалари.

2. Республиканинг алоқадор идоралари, маҳаллий ҳокимлик органларининг корхона таъсисчилари томонидан ишлаб чиқаришни модернизация қилиниши, маҳсулот учун янги бозорларни ўрганиши соҳаларига лоқайдлиги, ханузгача ноқонуний текширувлар, бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги.

1. Ушбу сабабларга кўра 2011 йил 1 октябрь ҳолатига фаолият кўрсатмаётган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони 372 тани ташкил қилган. Бунда республиканинг 9 та ҳудуди, жумладан Жиззах вилояти (ҳудуддаги хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг 18%), Қашқадарё вилояти (18%), Сурхондарё вилояти (13%), Қорақалпоғистон Республикаси (13%), Наманган вилояти (13%), Самарқанд вилояти (12%), Сирдарё вилояти (11,4%), Фарғона вилояти (11,2%) ва Хоразм вилоятларида (10,7%) жамига нисбатан фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони 10 фоиздан ортиғини ташкил қилган²⁰.

2. Инвестицион салоҳиятининг бир ҳилда эмаслиги сабабли хорижий инвестицияларни жалб этилишида ҳудудлар ўртасидаги номутаносибликлар.

Сўнги йилларда Ҳудудий инвестициялар доирасида республика иқтисодиётига жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг юқори улуши ханузгача Тошкент шаҳри (2011 йилдаги улуши 39,2%), Тошкент (15,9%) ва Фарғона (8,2%) вилоятларига тўғри келмоқда.

3. Республиканинг айрим туманларини чегара ҳудуди, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун ноқулай ҳудудда жойлашганлиги умуман хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар ташкил этилмаслигига сабаб бўлган.

Яъни, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига мамлакатимизнинг 14 та тумани,

²⁰ Абдусаматов Б.Х. “Ўзбекистонда демократик бозор ислохотларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг истикболдаги устивор йўналишлари ва 2012 йилги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришишнинг омиллари, ҳудудий инвестиция дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш вазифалари”. ДЖҚ Академияси, 2012 йил.

Шуманай (Қорақалпоғистон Республикаси), Бўз ва Улуғнор (Андижон), Гиждувон ва Қоровулбозор (Бухоро), Янгиобод (Жиззах), Нишон (Қашқадарё), Нурота (Навоий), Қўшработ (Самарқанд), Бойсун ва Музрабод (Сурхондарё), Бўка (Тошкент), Қўшқўпир ва Янгибозор (Хоразм) туманларида хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар йўқлиги аниқланган.²¹

Ушбу масалалар мамлакатда юритилаётган инвестицион сиёсат натижасида босқичма-босқич ўз ечимини топиши табиий.

Лекин, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишда чет эл инвесторларига боғлиқ бўлган муаммолар ҳам кузатилди:

1. Айрим чет эл ишбилармонлари томонидан мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилаётган имтиёзлар ва эркинликларни суистеъмол қилиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Жумладан, мамлакатда хом-ашёни чуқур қайта ишлаш ҳисобига рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ислоҳотлари олиб борилаётган бир пайтда хорижда ўз фаолият муддатини ўтаб бўлган эски жиҳозларни пардозлаган ҳолда юқори улуш билан олиб кириш ҳоллари ҳам мавжуд.

2. Баъзи ҳолларда кичик ҳажмдаги низом жамғармага эга қўшма корхонани давлат рўйхатидан ўтказилгач, маҳаллий ташаббускорнинг улуши бўлмиш ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларни гаровга қўйган ҳолда хорижий инвесторнинг кредит олиб кўздан ғойиб бўлиши кузатилмоқда.

3. Мустақиллик йиллари давомида хорижий инвестиция иштирокидаги фаолиятни йўлга қўйишни ўзига ниқоб қилиб мамлакатимизнинг мустақиллигига, аҳолининг фаровон турмуш тарзига раҳна солувчи фаолиятлар билан шуғулланиш, турли ақидапараст оқимларни молиялаштириб бориш ҳолларини аниқланганлиги ҳам айтиш ҳақиқат.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасидан олинган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар тўғрисидаги маълумотлар базаси таҳлили натижалари.

Ушбу юзасидан Юртбошимизнинг миллий иқтисодиётда хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш юзасидан қуйидаги фикрлари дастурамал бўлиб хизмат қилиши зарур. «Биз хом ашё бойликларига эгамиз. Чет эл технологияларини олиб келишимиз ва комплекс замонавий қўшма корхоналарни барпо этишимиз мумкин. Ана шу корхоналар замонавий техникадан фойдаланиб, рақобатга қодир маҳсулот ишлаб чиқара оладилар. Бу борада икки принципга амал қилиш зарур. Биринчиси, биронта корхона, биронта идора агарда хорижий сармояни чет элга экспорт қилинишига ва қатъий валютада даромад келтира оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфламас экан, бундай сармояни олмасликлари керак. Иккинчиси, чет эллардаги илғор фирмалар билан алоқа боғламаган корхона бўлмаслиги лозим.»²².

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этиб, маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқ, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди.

²² Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари». Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XIII сессиясида сўзланган нутқ, 1993 йил 2 сентябрь.

2.3. Хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишини такомиллаштиришда давлат механизми ролини ошириш.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳукумат ташқи иқтисодий фаолиятини диққат марказида бўлди. Мамлакатимизга жалб қилинаётган хорижий инвеситициялардан самарали фойдаланиш ва инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторингини олиб бориш мақсадида ҳар йили Давлат инвестиция дастури ишлаб чиқилиб республикамиз Президенти томонидан тасдиқланади.

Республикамизда давлат томонидан мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини шакиллантириш йўлида қуйидаги йўналишларда ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

- республикага жаҳон даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган чет эл инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш;

- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва ракобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишда жамлаш. Шунингдек республика иқтисодиётига чет эл инвестицияни жалб этишни

фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- инвестиция лойиҳаларини малакали экспертлар назоратидан ўтказиш ва мукамал тайёрланишига эришиш;

- қўшма корхоналар ва чет эл инвестиция иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

Мамлакатимизда чет эл инвестицияларни миллий корхоналарга жалб этишда қуйидаги устувор йўналишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш;

- минерал хом ашё ресурсларини, шу жумладан, нефть ва газни қазиб чиқариш, қайта ишлаш бўйича экологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;

- иқтисодиётнинг барча тармоқларида илм талаб ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

- туризм соҳасини ривожлантириш, ҳалқаро ва ички туризмнинг замонавий инфратузилмасини яратишга эришиш.

"Чет эл инвестициялари, ҳалқаро бирлашмалар ва ташкилотлар иштирокидаги корхоналарни, шунингдек уларнинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва бу корхоналарнинг фаолият тартиби туғрисида"ги²³ Низомга биноан, мулкида ўзбек ва чет эл юридик шахслари ҳамда фуқаролари иштирок этувчи корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги қўшма корхоналар ҳисобланади.

²³ "Халқ сузи". "Чет эл инвесторларининг кафолатлари ва уларнинг ҳуқуқларни ҳимоя қилиш чоралари туғрисида"ги қонун. 2003 й. 5 май.

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнини фақат давлат таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллаштиришни назарда тутди.

Жадвал 2.3.1

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги инвестиция дастуридаги капитал қўйилмаларнинг асосий параметри²⁴

Молиялаштириш манбалари	Маблағлар миқдори (млн.сўм)	Жамига нисбатан фоиз ҳисобида
Капитал қўйилмалар, жами	27123275	100
Шу жумладан:		
1. Марказлаштирилган инвестициялар:	6691366	24,6
Бюджет маблағлари	1300000	
Бюджетдан ташқари фонд маблағлари	1876750	
Шундан:		
- Республика йўл фонди	921572	
- Ўзбекистон Республикаси ривожланиш ва таъмирлаш фонди	1632833	
- Болалар спортини ривожлантириш фонди	218243	
- Мактаб таълимини ривожлантириш фонди	623500	
Ҳукумат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар	1750783	6,5
2. Марказлашмаган инвестициялар:	20431910	75,4
Корхона маблағлари	8150655	
Тижорат банклари кредитлар ва бошқа қарз маблағлари	3236108	
Тўғридан - тўғри инвестициялар ва кредитлар	4563159	16,1
Аҳоли маблағлари	4481988	

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 йилги инвестиция дастури тўғрисида”ги ПҚ-1855 сонли Қарори

Юқоридаги 2.3.1- жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2013 йил учун инвестиция дастурларига капитал қўйилмаларнинг ҳажми 27123275 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда унинг 75,4 фоизини молиялаштириш манбаларининг марказлашмаган инвестициялари ташкил этади. Бунда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва корхона маблағлари юқори кўрсаткичларга эга.

Жадвал маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган сармоялар таркибида хорижий инвестициялар улуши мунтазам ошиб бормоқда. Хусусан бунда тўғридан – тўғри инвестициялар асосий улушни эгаллайди. Бунинг асосий сабаби хорижий инвесторларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига ишончининг ортганлиги ва республикамызда хорижий инвесторлар учун яратилган имтиёзлар ва қулай инвестиция муҳити асосий рол ўйнамоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Республикамыз иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестицияларнинг асосий қисмини ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар ташкил қилган.

Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ, чет эл инвестиция қатнашган корхоналар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик ассоциациялари, концернлар ва бошқа бирлашмалар тузишлари мумкин. Чет эл инвестицияларнинг ҳуқуқий ҳимояси таъминланган. Бу ҳимоя ҳар бир корхонада бўлгани каби чет эл инвестиция қатнашган корхоналар учун тааллуқли. Миллий иқтисодиётнинг устувор соҳалари ва ҳудудларига инвестиция киритган чет эл инвесторларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қўшимча имтиёзлар берилиши мумкин. Шу билан бирга қонунда чет эл инвесторларнинг фаолият турлари ҳам белгиланган. Чет эл инвесторлар ёки чет эл инвестиция қатнашган корхоналар мавжуд қонунчиликка мувофиқ, ўз мақсадлари ва низомларидан келиб чиқиб, барча турдаги фаолиятларни олиб боришлари мумкин. Чет эл инвесторлар инвестиция ҳажмини, турларини, йулларини белгилайдилар ва уларни

хоҳлаган корхонага мустақил равишда киритишлари мумкин. Инвестор ўзи киритган инвестиция объектлари ва натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга реинвестиция ва савдо операцияларини Ўзбекистон ҳудудида миллий қонунчилик асосида, ундан ташқарида эса халқаро қонунлар асосида амалга ошириш ҳуқуқларига эга. Инвестор эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини қонун бўйича бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахсга бериши мумкин. Томонларнинг ўзаро ҳуқуқларини бир-бирига ўтказиш вақтидаги алоқаларни фақат улар ўртасида тузилган ҳужжат-шартномалар ҳал қила олади. Чет эл инвесторлар ва корхоналар қонунчиликда кўрсатилган ҳолатларда ер участкаларини сотиб олишлари мумкин. Чет эл инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишда қуйидагиларга риоя этиш зарур²⁵:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилаётган қонунчиликка амал қилиши;

- Ўзбекистонда мавжуд қонунчилик талаблари асосида солиқ тўлаш ва бошқа тўловларни амалга ошириши;

- Инвестиция лойиҳасининг санитария-гигиеник экология талабларига амал қилиш бўлимидаги экспертиза хулосаларини олиши;

- Чет эл инвестицияни ўз иқтисодиётига жалб этаётган ҳар бир давлат хорижлик шерикларига ҳуқуқий ва ташкилий кафолатлар яратиб беради. Бу жараён жаҳон тажрибасида синовдан ижобий равишда ўтган. Ўзбекистон Республикаси чет эл инвестициялар тўғрисидаги қонунининг 11- моддасида шундай ёзилган: Республика ҳудудида ўз инвестиция фаолиятини олиб бораётган чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини Ўзбекистон Республикаси кафолатлайди. Бу кафолат албатта, халқаро ҳуқуқ нормалари асосида берилади. Агарда Ўзбекистоннинг янги қабул қилинган қонунчилиги

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида” қонуни. 1998 йил 30 апрель.

инвестиция шароитларини ёмонлаштиради, ўн йилгача чет эл инвестициялар улар жалб қилинган даврда қабул қилинган қонунчилик шартлари сақланиб қолади. Бу талаб муҳофаза, миллий хавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ қонунчиликни ўзгартирмайди. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари чет эл инвесторларнинг ҳуқуқларига путур етказадиган ҳуқуқий нормативларни қабул қилган тақдирда, инвесторларга етказилган зарар шу органлардан суд орқали ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Германия, Хиндистон, Жанубий Корея, Туркия, Индонезия, Малайзия, Исроил, АҚШ, Хитой ва бир қатор бошқа мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида битимлар тузди.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини амалга оширишда дунёнинг 25 дан ортиқ мамлакатлари иштирок этмоқда. Инвестицияларни жалб этиш вазифасини давлатимиз кўп укладли бозор иқтисодиётини яратиш ва ривожлантириш асосида ҳақиқий мулкдорларни шакллантириш билан боғлайди. Инвестицияни жойлаштириш шакллари турлича бўлиб, қатор омиллар асосида фарқланади, яъни капитал пул ва буюм кўринишдаги капиталга бўлинганлиги учун ушбу жиҳатлардан келиб чиққан ҳолда инвестицияларни моддий-буюмлар ва пул кўринишдаги инвестициялари турларга ажратиш мумкин.

"Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонида биноан халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўшма корхоналар рўйхатга олинган пайтдан бошлаб беш йил муддатга чет эл валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган.

Чет эл инвестиция жалб этилган корхоналарга қуйидаги имтиёз ва рағбатлантириш омиллари берилган:

- товарлар экспорти ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 30 фоизини ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъий назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баробар камроқ тўлаш ҳуқуқи;

- чет эл инвестицияли корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик;

- Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан етти йил муддатга озод этиш;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25% болалар учун мўлжалланган бўлса, корхона ишга тушгандан бошлаб солиқлар тулашдан беш йил муддатга озод этиш. Кейинги йилларда бу корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ амалдагига қараганда икки марта пасайтирилган ставкаларда ундирилади;

- устав капиталнинг 50% ва ундан кўпроқ қисми чет эл шерикка тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш экспортга йуналтирилган ёки импорт ўрнини босишга мўлжалланган бўлса солиқлар тўлашдан икки йил муддатга озод этиш;

- фойдадан тўланадиган солиқ-25%;

- агар устав капиталнинг 50% ва ундан кўпроқ қисми чет эл шерикка тегишли ва устав капиталнинг ҳажми 500 000 \$ дан 1 000 000 \$ гача бўлса, фойдадан тўланадиган солиқ-20%;

- агар устав капиталнинг 50% ва ундан кўпроқ қисми чет эл шерикка тегишли ва устав капиталнинг ҳажми 1 000 000 \$ ва ундан кўп бўлса, фойдадан тўланадиган солиқ-16%;

- агар устав капитал ҳажми камида 500 000 \$ни ташкил этса, мол-мулк солигидан озод қилиш;

- ер солиғидан икки йилга озод қилиш;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз четга сотиш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш;
- жисмоний, ҳуқуқий шахслар ва давлатнинг мулкани хусусийлаштиришда бемалол иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистонда чет эл инвесторларга қонуний фаолият натижасида олган фойдалари ва бошқа даромадларини бирор-бир чекловларсиз исталганча чет давлатга ўтказиш имконияти кафолатланади. Бундан ташқари чет эллик инвесторлар Республика банкларида ҳеч бир чекловларсиз исталган валютада ҳисоб рақамига эга бўлишлари мумкин. Чет эл инвестицияси бўлган корхона амалдаги қонунларга биноан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспортга чиқариш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Чет эл инвесторларга табиий бойликларни қидириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ва бошқа хўжалик ишларини юритиш учун концессиялар берилиши мумкин. Концессион шартномалар чет эл инвесторлар билан Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг вакил қилинган органлари ўртасида тузилади.

Ўзбекистон Республикасида барпо этилаётган корхоналар устав сармоясига чет эл инвесторларнинг ҳиссаси сифатида ёки чет эл ходимларнинг ўз эҳтиёжлари учун олиб кирилаётган мулк божхона тўловидан озод қилинади ва импорт солиғи ундирилмайди. Чет эл инвесторлар Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг акциялари, ҳиссалари ва пайларини, шунингдек юридик шахслар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олишлари мумкин. Чет эл инвестициялари бўлган корхонадан чиқиш ёки бундай корхонанининг тугатилиш ҳолларида чет эл инвесторлар шу корхона мулкидан ўзининг ҳиссасини корхона мулки билан қийматига мутаносиб равишда пул ёки натура тариқасида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Чет эл инвестициялар иштирокида тузилган корхоналарнинг хўжалик ишларида ҳисоб-китоблар Ўзбекистон

Республикасининг қонунчилиги асосида олиб борилиши лозим. Бу ҳолатлар ҳам қонунда кўрсатилган. Бу корхоналар банкрот ҳолатига тушиб қолганда у ўз мулки, яъни савдо объектлари, хизмат кўрсатиш соҳалари, ер участкаси, бинолари, қурилишлари, ускуналаридан келиб чиқиб мажбуриятлари таъминланади. Ердан фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган шарт-шароитлар халқаро шартнома ва чет эл инвесторлар билан келишувларда кўрсатилган шарт-шароитлар фарқ қилса, халқаро шартнома ва келишувга асосан фаолият юргизилади. Шундай қилиб, яратилган ҳуқуқий асослар чет эл ҳамкорларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай шароитлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган инвестициясини ҳимоя қилади. Ҳозирга келиб, Ўзбекистон ҳудудида чет эл компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланилмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йуналтирилган чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- Хусусийлаштириш жараёнида чет эл инвестицияларнинг қатнашиши;
- Техникавий қайта қуролланиш;
- Халқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси чет эл инвестицияларни миллийлаштириш ва реквизиция қилинмаслигига кафолат беради. Чет эл инвестициялар фақат фавқулодда ҳолатларда, авария, эпидемия тарқалган вақтларда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан реквизиция қилиниши мумкин. Бу ҳолат инвесторга кўрсатилган зарар миқдорида компенсация қилинади. Чет эл инвесторлар учун зарур молиявий-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан чет эл инвесторларни ҳимоялашнинг Миллий суғурта жамғармасини барпо этиш туғрисида қарор қабул қилинган. Бу жамғарма республика ҳудудида таъсис этилган чет эл банкларида Ўзбекистон

Республикаси, чет эл инвестиция иштирокидаги суғурта компаниялари валюта қадриятларининг бир қисмини депонентлаш йули билан ҳосил қилинади. Чет эл инвесторларнинг қонуний фаолиятлари орқали қилинган даромадлари чет эл валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтишлари давлат томонидан кафолатланади. Бу қонунда чет эл инвестицияларни суғуртаси ҳақида кам ёзилган, чунки ҳар бир хорижлик ҳамкор ўзи сарфлаган маблағни тулиқ қайтариб олишга ва уларни суғурталашга ҳаракат қиладилар.

3-БОБ. ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишининг ўзгариш динамикаси ва уни такомиллаштириш йўллари

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хорижий инвестицияларни рағбатлантириш, давлат кафолати остида жалб этилаётган инвестицияларнинг ҳар бир қисмини тўғри ва мақсадли ишлатилиши, бевосита ўз сармоясини олиб кираётган хорижий инвесторларнинг қонун доирасида эркин фаолият юритиши, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда давлатнинг мувофиқлаштирувчи сифатида майдонга чиқишига зарурият сезилиши табиий ҳол.

Бу борада мустақиллик йилларининг биринчи кунлариданоқ мамлакат раҳбари томонидан ташқи иқтисодий комплекси бошқаруви тизимини жадал шакллантириш, ташқи алоқаларни ўрнатиш юзасидан тегишли тамойилларни ишлаб чиқиш, дунё таснифига интеграциялашиш йўналишларини мустақил аниқлаш юзасидан вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни ҳал этиш, ягона ташқи иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва олиб бориш, ташқи бозорда умумдавлат манфаатини таъминлаш мақсадида, 1992 йилда Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилди.

Шунингдек, юртбошимиз томонидан хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг устувор тамойиллари белгилаб берилдики, бу йилдан-йилга инвестиция салоҳиятини ортиб боришининг асоси бўлиб хизмат қилди: «Биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

иккинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

учинчидан, республикада жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришга кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;

тўртинчидан, маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш».²⁶

Бу борада, инвестиция фаолиятини тартибга солиш, хорижий инвестицияларни жалб этилишини қўллаб-қувватлаш учун 50 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллантирилди.

Жумладан, минтақаларга хорижий инвестицияларни жалб қилинишини тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-927-сонли “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим ўрин тутди.

Мазкур қарор хорижий инвестор ва халқаро молия институтларини юртимиздаги қулай инвестиция муҳити, мамлакат иқтисодиётига инвестиция сарфлаш истикболлари тўғрисида кенг хабардор қилишни ташкил этиш, хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини аниқ-пuxта мувофиқлаштиришда асосий аҳамият касб этди. Қарорга мувофиқ хорижий инвестицияларни жалб қилиниши ва ўзлаштирилиши белгиланган тадбирлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Лойиҳа ташаббускори, маҳаллий ҳокимият томонидан инвестицион лойиҳа ишлаб чиқилиб, мақсадга мувофиқлиги, хом-ашё захиралари билан таъминланганлик даражаси ва истикболлилигини кўриб чиқиш учун

²⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998, 277-бет.

Иқтисодиёт вазирлигига киритилади.

2. Ўз ўрнида, Иқтисодиёт вазирлиги томонидан лойиҳа тўлиқ ўрганиб чиқилиб ижобий ҳулоса берилган тақдирда, хорижий инвесторларни жалб қилиш ва инвестицион таклифлар базасини шакллантириш учун Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига киритилади.

3. Мазкур вазирлик томонидан «Узинфоинвест» агентлиги билан биргаликда лойиҳага салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб қилиш ишлари олиб борилади.

4. Ушбу схемага мувофиқ, Молия вазирлиги ва Давлат Мулки қўмитаси лойиҳанинг молиявий қисми ҳамда давлат ва бошқа ишлаб чиқариш объектларидан фойдаланиш истиқболларини ўрганиб чиқади.

Лекин, кўп ҳолларда тадбиркорлар, маҳаллий ҳокимлик органлари ходимларининг ҳам ушбу қарордан беҳабарликлари, амалга ошириш механизмини тушунмаганликлари кузатилмоқда.

Бу эса инвестицион лойиҳаларни сифатсиз ишлаб чиқилиши ҳамда тўлиқ амалга оширилиши жараёнида кўплаб муаммоларга (*ўша ҳудуддаги хом-ашё, инфратузилма билан таъминланганлик даражаси, бозорни тўлиқ ўрганилмаганлиги*) дуч келинишига олиб келмоқда.

2011 йил давомида жами 4,3 млрд.долл. миқдорида хорижий инвестициялар, шундан Давлат инвестиция Дастури доирасида 3,9 млрд. долл. хорижий инвестициялар ва Ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 402 млн.долл. тўғридан–тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди.²⁷

2011 йилда капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида хорижий инвестициялар 27% ни ташкил этди. Ўтказилган видеоконференциялар,

²⁷ Абдусаматов Б.Х. “Ўзбекистонда демократик бозор ислохотларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг истиқболдаги устивор йўналишлари ва 2012 йилги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришишнинг омиллари, ҳудудий инвестиция дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш вазифалари”. ДЖҚ Академияси, 2012 йил.

тармоқлар бўйича инвестицион лойиҳаларнинг тақдимотлари ва бошқа турдаги реклама таништирув ишлари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмининг ўсишидаги ижобий тенденцияни таъминлади. Хорижий капиталларнинг таркибида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши 78,8% ни ташкил этди.

Бу эса хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида иштирокини таъминлаб, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига давлат рўйхатига олинган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар сони 4586 тага етган. Шунингдек, 2011 йилнинг ўзида республикамиз ҳудудларида 520 та янги хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар ташкил этилди.²⁸

Қуйидаги 3.1.1-жадвал маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2005-2009 йиллар давомида давлат инвестиция дастури доирасида мамлакатимиз иқтисодиётига жами 7642,92 млн доллар миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинган. Инвестиция оқимларининг қайта тақсимланиши тармоқлар орасидаги инвестицияларнинг улушида нефт-газ тармоғининг улуши асосий салмоқни ташкил қилиб 49,8%ни ташкил қилган. 2005-2009 йиллар давомида алоқа ва ахборотлаштириш тармоғининг улуши умумий хорижий инвестициялар таркибида 14,7% ни ташкил қилиган бўлиб, бунинг асосий сабаби бу йиллар давомида мамлакатимизнинг уяли алдоқа тармоғига йирик ҳажмда хорижий инвестициялар жалб қилинди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги капиталнинг улушини 3,8 фоизни ташкил қилди. Бу йиллар мобайнида молиявий секторга жами 147,6 млн доллар миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилиниб, бу умумий сумманинг 7,3 фоизини ташкил қилди. Молиявий секторга киритилган хорижий инвестицияларнинг асосий қисми хорижий кредит линиялари орқали тижорат банкларимизга жалб қилинган инвестициялар ташкил қилган.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга асосланган.

Жадвал 3.1.1

**2005-2009²⁹ ва 2012³⁰ йилги Давлат инвестиция дастури доирасида
ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг тармоқ таркиби**

№	Тармоқлар	Ўзлаштирилган маблағлар млн.долл			Жамига нисбатан улуши (%)		
		2005-2009 йиллар	2008 йил	2012 йил	2005-2009 йиллар	2008 йил	2012 йил
1	Нефтгаз тармоғи	3806,5	628,63	1817,7	49,8	43,80	55,50
2	Алоқа ва ахборотла	1123,1	160,81	243,6	14,7	11,20	7,40
3	Молиявий сектор	557,3	86,47	147,6	7,3	6,02	4,50
4	Енгил саноат	506,0	85,20	96,2	6,6	5,94	2,90
5	Кимё саноати	70,8	84,13	109,0	0,9	5,86	2,90
6	Таълим	208,8	80,30	9,1	2,7	5,59	0,30
7	Қишлоқ хўжалиги	287,7	77,75	79,9	3,8	5,42	4,90
8	Қурилиш моллари	193,2	64,41	20,6	2,5	4,49	0,60
9	Транспорт	308,8	62,37	95,1	4,0	4,35	2,90
10	Соғлиқни сақлаш	169,1	49,72	22,1	2,2	3,46	0,70
11	Коммунал хўжалик	208,6	39,24	96,3	2,7	2,73	2,90
12	Энергетика	93,4	7,00	163,3	1,2	0,49	5,00
13	Автомобилсозлик	37,4	2,50	24,7	0,5	0,17	0,80
14	Озик-овкат	66,3	0,40	6,7	0,9	0,03	0,20
15	Бошқалар	6,1	6,36	345,60	0,1	0,44	8,50
	Жами	7 642,92	1435,29	3277,53	100,0	100,0	100,0

²⁹ Туляганов Ш.О. Ҳудудларда инвестицион муҳитни яхшилаш, ташқи ва ички инвестицияларни жалб этишдаги маъмурий ва иқтисодий тўсиқларга барҳам бериш масалалари. 2010 йилги давлат ва ҳудудий инвестиция дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини оширишда ҳокимларнинг асосий вазифалари

³⁰ Абдусаматов Б.Х. “Ўзбекистонда демократик бозор ислохотларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари. Барқарор иқтисодий ривожланишнинг истиқболдаги устивор йўналишлари ва 2012 йилги макроиқтисодий кўрсаткичларга эришишнинг омиллари, ҳудудий инвестиция дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш вазифалари”. ДЖҚ Академияси, 2012 йил.

Капитал қўйилмаларнинг таркибидаги улуши қариб 50% даражасида бўлаётган иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришдаги инвестицияларнинг ўсиш суръатлари барқарор бўлмоқда, бу эса, мамлакат ишлаб чиқариш салоҳиятининг мустаҳкамланишига, инвестицион жозибадорлигининг ортишига ва бозор инфратузилмаларини шаклланишининг жадаллашувига замин яратмоқда.

2012 йил якунларини таҳлил қилганимизда давлат инвестиция дастури доирасида 3277,53млн доллар миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлиб, унинг асосий қисми иқтисодиётимизни модернизациялаш ва техник технологик янгилашга йўналтирилди. 2012 йилда нефт-газ тармоғига жалб қилинган хорижий инвестициялар 1817,7 млн долларни ташкил қилиб, умумий ҳажмнинг 55.5% ни ташкил қилмоқда. Бунинг асосий сабаб мамлакатимизда янгидан ташкил қилинаётган нефт-газ тармоғидаги йирик корхоналардир. Ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиётининг айнан нефт-газ тармоғига замонавий технологияларни жорий қилган ҳолда Россиянинг “Лукойл”, “Газпром”, Малайзиянинг «Petronas», Жанубий Африка Республикасининг «Sasol», Хитойнинг «CNPC», Ж.Кореянинг «Kogas» ва «KNOC» каби йирик компания ва корпорациялар томонидан тўғридан-тўғри киритилаётган хорижий инвестициялар бу тармоқни асосий локоматив ролини бажаришига хизмат қилмоқда.

Нефт-газ тармоғига киритилаётган хорижий инвестицияларни таҳлил қилганимизда аввало Сургиль кони базасида ташкил қилинаётган Устюрт газ кимё мажмуасини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Ўзбекистон – Корея «Uz-Kor Gaz Chemical» қўшма корхонаси томонидан Сургиль кони базасида гигант Устюрт газ-кимё комплекси лойиҳаси бу йўналишдаги муҳим лойиҳалардан биридир. 2011 йил 23-24 август кунлари шахсан Корея Республикаси Президенти жаноб Ли Мён Бак ташрифи давомида тамал тоши қўйилган ушбу лойиҳа доирасида 2,6 млрд.доллардан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниши режалаштирилган. Бундан ташқари Шўртан

газ-кимё мажмуасида тозаланган метан базасида суюлтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича Малайзиянинг «Petronas», Жанубий Африка Республикасининг «Sasol» компаниялари билан ҳамкорликдаги ишлар бошлаб юборилди. Шу билан бирга Муборак газ-кимё мажмуасини қуриш, Қандим гуруҳи конларини ўзлаштириб, газни қайта ишлайдиган завод барпо этиш мўжалланган.

Энергетика тармоғига 2012 йилда 163,3 млн доллар миқдорида хорижий инвестициялар жалб қилинган бўлиб, хорижий инвестицияларнинг 5%ни ташкил қилган. Бунга мисол қилиб, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ЛСА ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган, умумий қиймати 1,28 миллиард долларга тенг бўлган Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ мосламасини қуриш лойиҳасини келтиришимиз мумкин.³¹

Хорижий капиталнинг умумий ҳажмида транспортнинг улуши 2005-2009 йиллар давомида 4% ни ташкил қилган бўлса 2012 йил якунларига кўра бу улуш 2,9% ни ташкил қилди.

Мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб қилинишини қўллаб-қувватлаш учун Ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилиши, шу жумладан эркин индустриал-иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши, автомобил магистрал йўллари, темир йўл ва аэропортларнинг модернизация қилиб борилиши, табиий хом-ашё заҳираларини қидириб топиш ва қазиб олиш йўналишидаги лойиҳалар, туризм соҳасини ривожлантириш юзасидан ислохотларни олиб борилиши йилдан-йилга ўз самарасини бериб келмоқда.

Президентимиз бу борада олиб борилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан «...ишончим комилки, хорижий шерикларимиз билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, мамлакатимизда янада қулай инвестиция

³¹ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўжалланган прогнозлари. Статистик тўплам. Тошкент.: “Ўзбекистон” 2011й.

муҳитини шакллантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз етарли. Содда қилиб айтганда, бу борада ишончли кафолатларни яратиш, хорижий инвесторларнинг ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш даркор» деб таъкидлаган эди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларига жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг йўналишларини ўзгартириш ва шу орқали биз учун энг самарали йўлларни танлаш ҳамда мамлакатимизда импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қуйидаги йўналишларда ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

- Мамлакатимиз банк-молия соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш ва шу орқали молиявий секторнинг салоҳиятини ошириш. Юқоридаги таҳлилимиз шуни кўрсатдики, 2012 йил якунлари бўйича жами жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг 5 фоизи молиявий сектор ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу маблағларнинг деярли асосий қисми республикаимиз банкларига йўналтирилган хорижий кредит линиялари ҳисобланади. Миллий корхоналаримизнинг молиявий активларига яъни акциялари ва облигацияларига йўналтирилган хорижий инвестициялар деярли мавжуд эмас. Ушбу йўналишни ривожлантириш зарур;

- Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тармоғининг Ялпи ички маҳсулотдаги улуши 17.5 фоиз ни ташкил этмоқда. Айтилишича қишлоқ хўжалиги тармоғига киритилаётган хорижий инвестициялар мамлакатимизга жалб қилинаётган умумий хорижий инвестицияларнинг таркибида 2.4 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич мавжуд потенциалдан бир неча баробар паст бўлиб, бу тармоқга йўналтирилган хорижий сармояларнинг ҳажмини ошириш зарур;

- Коммунал соҳанинг ривожланиши учун жалб қилинаётган хорижий сармоялар хорижий инвестицияларнинг умумий салмоғида 2.4 фоизни

ташқил қилиб асосан ҳукумат кафолати остидаги имтиёзли хорижий инвестициялардир. Бу соҳага оид ташкилот ва идоралар билан хорижий инвесторларнинг бевосита алоқаларини ўрнатиш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни йўлга қўйиш;

- хорижий ва ички молиялаштириш манбалари, замонавий технологияларни жалб этишни кенгайтириш, қурилиш ва индустриал ишлаб чиқариш комплексларини янгилаш асосида транспорт коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимлари, муҳандислик инфратузилмаси объектларини ривожлантириш ҳамда қуриш;

- республиканинг барча минтақаларини бирлаштирадиган ягона миллий автомобил транспорт тизимини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш, замонавий цемент-бетон ва асфальт-бетон билан қопланган тўрт полосали йўл участкаларини қуриш ва реконструкция қилишни кенгайтириш;

- хомашё, материаллар ва энергия ресурсларидан тежамкор фойдаланишни таъминлайдиган, энергия ҳамда ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни қўллаш йўли билан ишлаб чиқариш инфратузилмаси, транспорт ва коммуникация объектларини қуриш ва фойдаланишда ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда таннархини изчил пасайтириб борадиган ишларни амалга ошириш зарурдир.

Бундан ташқари иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган хорижий инвестицияларни жалб этишни такомиллаштиришда, маҳаллий хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мўжалланган янги тармоқларни шакллантириш ва ривожлантириш, моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва номоддий соҳаларни комплекс равишда ривожланишни таъминлаш ва улар орасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳам асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

3.2. Саноат тармоқларига киритилаётган хорижий инвестициялар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Мамлакатимизда саноатни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, бу соҳадаги ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашда тармоқга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Тармоқга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш ва уларнинг самарадорлигини кўтариш юзасидан республикаимиз ҳукумати томонидан бир қатор қонунлар ва қарорлар қабул қилинди. Шу билан бирга тармоқ салоҳиятини ошириш, тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда уларнинг экспорти ҳажмини ошириш юзасидан давлат дастурлари ҳам қабул қилинаётган бўлиб натижасида бугунги кунда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президентининг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган “2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори билан кенг қамровли чора-тадбирлар мажмуаси белгиланган дастур маъқулланди. Мазкур ҳужжатдан кўзда тутилган мақсад саноатни барқарор, жадал ва изчил ривожлантириш, саноатнинг асосий тармоқларини диверсификация қилиш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, корхоналарни модернизация қилиш ва технологик янгилаш орқали уларнинг самарадорлиги, рақобатбардошлигини янада ошириш ҳамда саноатга хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада такомиллаштириш асосида унинг ҳажмини оширишга қаратилган.

Дастур бир неча йўналишдаги вазифаларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, булар:

Биринчидан, саноатни ривожлантиришнинг аниқ, чуқур, ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш;

Иккинчидан, республикаимиз саноати ва умуман иқтисодиёти ривожининг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга боғлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

Учинчидан, энергетика, нефть-газ, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик, автомобилсозликни тараққий эттиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, юқори рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш;

Тўртинчидан, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар, илғор инновацион технологияларни жадал татбиқ этиш;

Бешинчидан, маҳаллий хом ашёни сифатли қайта ишлаш негизида экспортга мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқаришни кўпайтириш;

Олтинчидан, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча ҳудудларида жойлаштириш, шу асосида аҳоли бандлиги даражасини ошириш;

Еттинчидан, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежаш чораларини кўриш;

Саккизинчидан, халқаро сифат стандартлари ва техник регламентларни тизимли татбиқ этиш шулар жумласидандир;

Қарорга кўра, кейинги беш йиллик даврда саноатни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларини йилдан-йилга ошириб бориш назарда тутилган. Чунончи, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ўсиш суръатини 2010 йилдаги 108,3 фоиздан 2015 йилга бориб 111,8 фоизга, саноатнинг ЯИМдаги улушини 23,9 фоиздан 28 фоизга, саноат маҳсулотлари ҳажмида тайёр товарлар ҳиссасини 50,6 фоиздан 61,2 фоизга, саноатга жалб қилинадиган инвестиция ҳажмини 2 668,9 млн. доллардан 25 673,4 млн. долларга ошириш мўлжалланмоқда.

Беш йил мобайнида тайёр саноат маҳсулотларининг муҳим турлари бўйича янги қувватларни ишга тушириш борасида жумладан, автомобиль

ишлаб чиқаришни 1,2 бараварга, автобус ва юк машиналарини 1,3 бараварга, музлатгич ва совутгичларни 4 бараварга, телевизорларни 5,1 бараварга, калий ўғитини 9 бараварга, керамик плиталарни 14,1 бараварга ошириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари қарор амалиёти бошланиши ҳисобланган 2011 йилда 26 та, 2015 йилда эса 83 та саноат маҳсулотларининг янги турларини ўзлаштириш режалаштирилган. Бу даврда республикамиз экспорти ҳажмида саноат маҳсулотларининг улушини 2011 йилда 51,1 фоизга, 2015 йилда эса 71,8 фоизга оширишга эришиш мўлжалланмоқда. Энг муҳими, қўриладиган чора-тадбирлар натижасида жорий йилда жами 32 минг 896 та иш ўрни яратилса, 2015 йилга бориб бу кўрсаткич 119 минг 102 тани ташкил этиши кутилмоқда.

Саноатда амалга ошириладиган инвестицион лойиҳалар ва уларни молиялаш манбалари ҳақида қайд этилган қисми бўйича 2011–2015 йиллар давомида бажариладиган лойиҳаларнинг жами қиймати 30 074,2 млн. долларни ташкил этиб, унинг ярмидан кўп миқдори хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

2011–2015 йиллар давомида бажариладиган лойиҳаларни хорижий инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган қисми қариб жами инвестицияларнинг ярмини ташкил этиши кўзда тутилган бўлиб, уларнинг асосий манбаалари яъни хорижий инвесторлари Россия, Хитой Халқ Республикаси, Малайзия, Жанубий Корея, Буюк Британия, Япония, Бирлашган Араб амирликлари каби давлатларнинг етакчи компаниялари билан ўзаро шериклик асосида иш олиб борилиши режалаштирилган.

Саноатни ривожлантириш ва соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш борасидаги режаларни амалга оширишдаги ўрни ниҳоятда беқиёс. Унинг биргина янги корхоналарни ташкил этиш, ишлаб турганларини модернизациялаш ва реконструкциялаш бўйича йирик лойиҳалар йўналишининг қамрови фикримизга яққол далил бўла олади. Жами 290 тадан зиёд лойиҳанинг 150 тадан ортиғи нефть-газ, кимё,

машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтика саноатларига тегишли корхоналарда мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, кенгайтириш, шу асосда рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳаллий ҳамда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, ўзимиздаги хом ашёдан истеъмол товарларини тайёрлаш, энг асосийси, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган.

Жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг бир қисми иқтисодиётнинг етакчи тармоғи “Ўзбекэнерго” ДАК тизимида амалга оширилиши кўзда тутилган. Масалан, тизимда генерация қувватларини янада ривожлантириш, республика энергетика тармоғига янги технологияларни жорий этиш ва Тошкент шаҳри истеъмолчиларининг иссиқлик ҳамда электр таъминоти ишончлилигини ошириш режалаштирилган. Шу мақсадда “Тошкент ИЭМ”да, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннарини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш учун “Энерготаъмир” ОАЖ, “Сирдарё ИЭМ”, “Бўзсув ГЭС қуйи Каскад”, “Фарход ГЭС” шўъба корхоналарида мавжуд қувватларни модернизация қилиш ишлари олиб борилади. Шунингдек, республикамизнинг Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги электр энергияси истеъмолчиларининг ҳисоби ва назоратини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш, “Оҳангарон” кичик станциясини ва “Навоий ИЭМ”ни реконструкция қилиш ишлари ҳам модернизация лойиҳалари доирасида олиб борилиши белгиланган бўлиб, натижаси эса тармоқни давр талаби асосида ривожлантиришга, бутун иқтисодиётни юритиш ва аҳоли турмуши учун энг зарур ҳисобланган электр энергияси таъминотини янада яхшилашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мамлакат иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири – кимё саноати корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, уларнинг қувватларидан оқилона фойдаланиш ва энергияни тежайдиган, экологик

хавфсиз технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган, импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фикримизга мазкур тармоқнинг йирик хўжалик субъектлари фаолияти ёрқин мисол бўла олади.

Саноатнинг кимё тармоғига жалб қилинаётган хорижий инвестицияларга мисол қилиб “Максам Чирчиқ” ОАЖга Испаниянинг “Махам” компанияси томонидан қiritилган сармояларни кўрсатишимиз мумкин.. Айни кунда бу ерда ишлаб чиқарилаётган қирқдан зиёд турдаги минерал ўғит ва кимёвий маҳсулотлар дунёнинг ўттиздан ортиқ давлатига экспорт қилинмоқда. Бундай ижобий натижаларга табиийки, Модернизация ва Инвестиция дастурларига қiritилган мақсадли ва манзилли лойиҳалар ижросини таъминлаш орқали эришилмоқда. Жорий йилги Инвестиция дастури ҳам бундан мустасно эмас, зеро, айни ҳужжатда белгиланганига кўра, корхонада минерал ўғитлар ҳажмларини янада ошириш мақсадида реконструкция ишларини олиб бориш мўлжалланган. Бундан ташқари, кимё саноатида ўзига хос ўринга эга “Аммофос-Максам” ОАЖда фосфор ўғитларини ишлаб чиқариш қувватини модернизациялаш, Қўнғирот сода заводида кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқаришни кенгайтириш, “Навоийазот” ОАЖда циан тузини ишлаб чиқаришни реконструкциялаш лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган. Мақсад ва натижа эса, аввало, ички истеъмол бозорини тўлдириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни тайёрлашни чуқур ўзлаштириш ва албатта, жаҳон бозоридаги мавқени мустаҳкамлашга қаратилган.

Саноатнинг озиқ-овқат тармоғига жалб қилинаётган хорижий инвестицияларга мисол қилиб, “Хоразм шакар” қўшма корхонасида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, “Фатих Лаззат Майя” қўшма корхонасида прессланган ачитқи ишлаб чиқариш ускунасини ўрнатиш эвазига модернизациялаш, “Ангрен” эркин индустриал зонасида Сингапур ва Австрия компаниялари иштирокида йирик шакар заводини кўрсатишимиз

мумкин. Ушбу мақсадлар учун жами қариб 200 млн АҚШ долларилик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинмоқда.

Инвестиция дастурида белгиланганидек, тўқимачилик, фармацевтика соҳаси, пахта саноати, маҳсулотларини қайта ишлаш, истеъмол молларини, жумладан, пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳалари бўйича қатор лойиҳалар амалиёти ҳам кўзда тутилган бўлиб, бу мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида модернизация жараёни жадал давом этаётганини билдиради. Энг муҳими, дастур лойиҳаларини молиялаштириш манбаларининг кўп қисми тўғридан-тўғри жалб қилинадиган хорижий инвестиция ҳиссасига тўғри келиши, Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз томонидан алоҳида эътироф этилган “Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак”³² деган фикрларига тўла мос келишидир.

Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур ва аниқ мақсадли таркибий туб ўзгаришлар сўнгги йилларда иқтисодиётни юқори суръатда юксалтириш ва саноатни янада ривожлантиришни таъминлади. 1991 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат улуши 11 фоизни ташкил этган бўлса, айти пайтда бу кўрсаткич 24 фоизга етди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда нефть-газ, машинасозлик, электр техника, кимё, металлургия саноатида ўнлаб янги йирик корхоналар барпо этилди. Иқтисодиётимизнинг янги тармоғи - ривожланган инфратузилмага эга автомобиль саноати ташкил этилди. Ушбу тармоқда «GM», «MAN» ва «ISUZU» каби жаҳонда етакчи компанияларнинг замонавий ишлаб чиқариш технологиялари татбиқ қилинган.

Ўзбекистонда 2008 йилда ташкил қилинган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зона давлатлараро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш,

³² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган маърузаси. Халқ сўзи 2013 йил 19 январь 13 сон

мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим омилига айланиши лозим. Саноатни ривожлантириш дастурида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонада етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар, замонавий иситиш аппаратураси, кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари, маиший электр техника ҳамда алоқа воситаларини ишлаб чиқариш бўйича 33 та янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб қилинишини қўллаб-қувватлаш учун ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилиши, шу жумладан саноат соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, эркин индустриал-иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши, табиий хом-ашё захираларини қидириб топиш, қазиб олиш ва чуқур қайта ишлаш йўналишидаги лойиҳалар юзасидан ислоҳотларни олиб борилиши йилдан-йилга ўз мевасини бериб келмоқда. Шу билан бирга ушбу йўналишда қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

- хорижий ва ички молиялаштириш манбалари, замонавий технологияларни жалб этишни кенгайтириш, қурилиш ва саноат ишлаб чиқариш комплексларини янгилаш асосида транспорт коммуникациялари, замонавий телекоммуникация тизимлари, муҳандислик инфратузилмаси объектларини ривожлантириш ҳамда қуриш;

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда мамлакатнинг табиий бойликлари, хом-ашё ресурсларини қазиб олиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳисобига саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш;

- Узоқ ва қисқа муддатли инвестицион дастурларни ишлаб чиқиш доирасида аниқ тадбирларни белгилаш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиб бориш;

- Савдо–саноат палатасининг хориждаги савдо-инвестицион уйлари ва ваколатхоналари билан «Узинфоинвест» Агентлиги ҳамкорлигини таъминлаш ва шу асосда хорижий инвесторларни мамлакатимиздаги саноат соҳасига жалб қилинадиган хорижий инвестициялар учун мавжуд потенциал билан таништириш ва шу орқали бу соҳага хорижий сармоялар оқимини кўпайтириш;

- Йирик саноат лойиҳаларини молиялаштиришда хорижий инвесторлар билан бирга «Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси», маҳаллий тижорат банкларини кенг жалб қилиш;

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси» томонидан қўшма инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш юзасидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, «2012 йилги Давлат инвестиция Дастури» доирасида жамғарма томонидан хорижий инвесторлар билан биргаликда 8 та лойиҳани амалга оширилиши белгиланган. Сургилъ кони базасида «Устюрт» газ-кимё мажмуасини барпо этиш, «Резинотехника» ОАЖда кенвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги ва енгил автомобиллар учун шиналар ишлаб чиқариш лойиҳалари шулар жумласидандир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Магистрлик диссертациясини ёзиш давомида олиб борилган изланишлар натижасида ҳосил бўлган хулосаларимизни қуйидагиларда баён этмоқчимиз.

1. Хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига жалб қилиш давлат сиёсатида муҳим вазифалардан бири эканлиги шубҳасиз. Мамлакат иқтисодиётига йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни марказлашган ҳолда назорат қилиш ва улар киритилишини тезлаштириш мақсадида Давлат Инвестиция дастури ташкил этилган бўлиб, бу мазкур дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида иқтисодиётни юксалтиришда ҳал қилувчи вазифани бажармоқда.

2. Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва салоҳияти унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиёт тармоқларига жалб қилишнинг оқилона йўллари танлаш Ўзбекистон учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиёти тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий — иқтисодий ва бошқа шарт — шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан ўтказиш, маблағларни республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда мужассам қилиш республикамызда ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойилларидандир.

3. Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг тараққиёт даражаси ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишида хорижий инвестициялар муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз миллий иқтисодиёти тармоқларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун биринчи

галда, улар учун қулай муҳит, кафолат ва рағбатлантирувчи иқтисодий омилларни кучайтиришни тақозо этади.

4. Давлат асосий эътиборини иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилашга, рақобатга бардошли маҳсулот тайёрлашга йўналтирилган янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратган. Шу боисдан ҳам импорт қилинаётган маҳсулотлар орасида машиналар, турли дастгоҳ ва ускуналар кўп. Айни пайтда ушбу йўл халқаро аҳамиятга эга бўлган, Трансафғон деб ном олган лойиҳани амалга ошириш орқали мамлакатимизнинг жанубдаги жаҳон денгиз коммуникацияларига чиқишини таъминлайдиган янги транспорт йўлаги бўлиб хизмат қилиши кўзда тутилмоқда.

5. Мамлакатимиз иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган инқирозлар мамлакатда инвестиция жараёнини фаоллаштириш, инвестиция ресурсларини иқтисодий тараққиётнинг устивор соҳаларига йўналтириш, бу соҳада масъул идора раҳбарлари, маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбарлари масъулиятларини ошириш, боқимандалик кайфиятини бутунлай йўқотиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги мавжуд муаммоларни зудлик билан бартараф этиш тадбирларини кўришни талаб қилмоқда.

Тўпланган назарий хулосалар ва амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий амалий таклифларни қайд этиш лозим:

1. Давлат минтақавий инвестиция сиёсатининг ишлаб чиқарилган модели ҳудудда ўтказилаётган бозор ислохотларининг минтақавий хусусиятлари ва ўзига хосликларини ҳисобга олиш заруриятидан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси учун таклиф этилаётган инвестиция стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир: инвестиция жараёнида давлатнинг бошқарувчилик мавқеи сақлаб қолиниши; бозор тамойилларига ва инвестиция захираларини шакллантириш манбаларининг

кўплигига асосланганлик; эркин маблағларни ишлаб чиқариш инвестицияларига айлантириш учун фонд бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш; мамлакатнинг ички жамғармалари ҳисобига кенг кўламли инвестиция қилиш ва чет эл инвестициялари ҳисобига аниқ — селектив тарзда инвестиция қилиш.

2. Мамлакатимиз бой табиий хом-ашё заҳираларига эга эканлигини ҳисобга олиб устивор равишда миллий иқтисодиётнинг кимё ва нефть-кимё, автомобилсозлик, машинасозлик, фармацевтика, қурилиш моллари ишлаб чиқариш, тайёр турдаги текстил маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган инвестицион лойиҳалар устида ишлаш

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисида”ги низомларнинг III боб 14 бандига кўрсатилган, тасдиқланган режа-жадвалларга мувофиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши ишларининг ҳолатини шу жумладан жойнинг ўзига чиқиб ўрганиш бандига қўшимча “ҳар чоракда” сўзини киритиш лозим. Чунки лойиҳанинг ҳолатини мунтазам мониторинг қилиш жараёнида лойиҳа майдонидаги реал ҳолат билан танишиш мақсадга мувофиқ бўлади;

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон қарори билан тасдиқланган “Хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказиш тўғрисида”ги низомнинг XI бобида кўрсатилган тендер натижалари бўйича тузилган контрактлар бажарилишининг кафолати, рўйхатга олиниши ва ижро этиш мониторингида тендер ғолиби контракт бажарилишининг кафолати сифатида контракт умумий суммасининг ўн фоизигача бўлган суммага буюрмачига ўтказиб бериладиган маблағни қайтариб бериш шартига “Иш ва хизматлар бажарилганда бажарилган иш ва хизматлар бўйича синов муддати тугагунча

кайтарилмаслик” шарти киритилиши керак. Бунга сабаб иш ва хизматлар бажариш бўйича контракт шартлари бажарилиб бўлингандан кейин лойиҳа ишга тушганда турли камчиликлар юзага чиқиши мумкин.

5. Илм-фанни талаб қилувчи нисбатан кам харажатга асосланган қувватларни яратишда Германия, Франция, АҚШ, Б.Британия, Ж.Корея, Япония, Хитой, Малайзия, Сингапур ва шу каби давлатларнинг етакчи компанияларини кенгроқ жалб қилиш. Қўшилган қиймати юқори экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган илғор технологиялар асосидаги инвестицияларни жалб этиш таркибини диверсификациялаш.

6. Ўзбекистон инвестицион рейтингининг миқдорий баҳоланиши инвестиция қўйилмалари даромадлилигини оширишни ва дисконтнинг оширилган ставкасини белгилашни талаб қиладиган таваккал омиллар мавжудлигини кўрсатди. Бинобарин, умумиқтисодий таваккал ва ҳисоб — таҳлилий фоиз ставкаси коэффициентининг аниқланиши энг самарали ва ишончли инвестиция қарорларини танлашдаги асосий шартдир. Хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш нафақат республика бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга балки жаҳон бозорига экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажмини ҳам оширишга имкон беради.

Фикримизча, мамлакатимизга хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасида қуйидагиларни амалга ошириш керак: хорижий кредитлар ва кўпроқ бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш учун хорижий инвесторлар ҳуқуқуларини ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш ҳамда мамлакатда пул — кредит сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишларни самарали тарзда яқунлаш; тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашни ривожлантириш учун ушбу соҳага хизмат қилувчи институтционал бирлик-ларни ҳамда инфратузилма институтлари фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш; инвестиция лойиҳаларини

хорижий банклар кредит линиялари орқали молиялаштириш мақсадида улар билан кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва ишончни янада ошириш; хорижий банклар кредит линияларини тўлиқ ва самарали ўзлаштириш, улар бўйича вужудга келиши мумкин бўлган хавф — хатарларнинг олдини олиш ва камайтириш, кредит самарадорлигини оширишни таъминлаш учун ушбу банклар кредит линиялари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг мавжуд дастакларини такомиллаштириш; инвестиция лойиҳаларини бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида республикамизда фаолият юритаётган бюджетдан ташқари фондларнинг молиявий — иқтисодий ривожланиши учун шарт — шароит яратиш.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, миллий иқтисодиётимизнинг тармоқларини ривожлантириш учун мамлакатимиз ҳукумати томонидан барча шарт — шароитлар имкон қадар тез ва сифатли тарзда яратилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуни;
2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Инвестицион фаолият тўғрисида»ги қонуни;
4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга берилаётган қўшимча рағбат ва имтиёзлар тўғрисидаги” ПФ-1652 сонли Фармони;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 августда қабул қилинган “Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1831 сонли Фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 февралда қабул қилинган “Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1924-сонли Фармони;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3594 сонли фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги ПФ-4059-сонли “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434 сонли “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги №ПҚ-927 сонли «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори..

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855 сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат Инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442 сонли “2011–2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 22 июнда қабул қилинган “Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси тўғрисида”ги 309-сонли қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 2 майда қабул қилинган “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 205-сонли қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2004 йил 9 февралда қабул қилинган “Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги 58-сонли қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2009 йил 27 январдаги 21- сонли “Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2012 йил 13 июлдаги 213- сонли «Ангрен» махсус индустриал зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонасининг уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2012 йил 29 майдаги 146-сонли «Ангрен» махсус индустриал зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов асарлари.

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. «Ўзбекистон», 2009.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон: иқтисодий сиёсатнинг устивор йўналишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993й. –256 б.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.

4. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 528 б.

5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.– Б.39.

6. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи, №16, 22.01.2011й

7. Каримов И. А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. // Халқ сўзи газетаси. 2008. № 24. 9 феврал. 1-3 б.

8. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш ” - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Тошкент, 18 январ 2013 й.

V. Асосий адабиётлар

1. А.В.Ваҳобов, Ш.Х.Хажигакиев Хорижий инвестициялар. -Т.: “Молия” 2010 йил.
2. Ш.Н. Файзиев, М.Х. Ходжаева, Х.М. Давлатов Инвестициялар аудити ва баҳолаш. -Т.: “Тафаккур бўстони”, 2012 йил.
3. Э.И. Носиров, Б.С.Маматов, Н.Қ. Шоисмоилова Инвестиция рискларини бошқариш. -Т.: “Фан ва технология”, 2011 йил.
4. Самарходжаев Б.Б. Инвестиции в Республики Узбекистан. –Т.: «Адолат», 2003 йил.
5. Ғоziбеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари.-Т.: «Молия» 2003 йил.
- 6.Ғоziбеков Д.Ғ. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш.- Т.: “Iqtisod-moliya”, 2007й.
7. Жўраев А.С. Хўжамкулов Д.Ю. Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари тахлили. – Т.: «Шарқ» 2003 йил.
8. Каримов Н.Г. «Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари», и.ф.д. олиш учун автореферат, Тошкент 2007й.
9. Инвестиционные споры между государством и иностранным инвестором: Учебно-практическое пособие. – Крупко С. И. – М.: Издательство БЕК, 2002.– 272с.
10. Водянов А.А. Инвестиционные процессы в экономике переходного периода. - Москва: ИМЭИ, 1995. – С.203.

11. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси.-Тошкент.: Шарқ, 2003.-79 б.
12. Вахабов А., Ўлмасов А., Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 480 б.

VI. Қўшимча адабиётлар

- 1.Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. – М.: Финансы и статистика, 1998г.
2. Ғозибеков Д.Ғ. ва бошқалар. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. – Тошкент.: “Fan va texnologiya” 2004й.
3. Жўраев.А.С, Хўжамкулов Д.Ю, Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. - Т.: «Шарқ» 2003 йил .
- 4.Каримов Н.Г. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тизимида синдикат асосида кредитлаштириш. – Т.: 2005.
5. Томанн Х. Прямые иностранные инвестиции в переходный период экономики. – Берлин.: 2004.

VII Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

- 1.“Иностранные инвестиции в Республике Узбекистан” журналі.- Т.: 2011-2012 йиллар
- 2.“Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси” журнал. – Т.: 2009-2012 йиллар
3. “Иқтисодиёт ва таълим” журналі. – Т.: 2012 йил
4. “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўжалланган прогнозлари” Статистик тўплам.- Т.: Ўзбекистон.2011 йил.


IV. Интернет манбалар ва ҳаволалар

1. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.
2. www.mfer.uz- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг расмий сайти
3. www.ceep.uz - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги самарали иқтисодий тадқиқотлар маркази расмий сайти.
4. www.uza.uz- Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.
5. www.mf.uz- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти

ИЛОВАЛАР

Илова 1


2012 йил Давлат инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар тармоқ таркиби




6

Илова 2

2012 йил Давлат инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар давлатлар кесимида



7



ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА
2012 йилда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг
ҳудудлар кесимида

